

К И Р И Ш

Немис тилида боғловчилар предлоглар каби ўзгармайдиган сўз туркуми бўлиб, улар мустақил гап бўлаги вазифасида келмайди. Бу туркумга кирувчи сўзлар гап бўлаклари ва қўшма гап ичидаги содда гапларни ўзаро бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилади. Натижада улар гапларнинг юзага келишида муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли бўлса керак боғловчиларнинг тилдаги ролини ўрганишга тилшунослар кўп вақтлардан бери қизиқиб келишади. Бу масала то бугунги кунга қадар ўзининг **долзарблигини** йўқотгани йўқ.

Мазкур битирув малакавий ишда кўзда тутилган мақсад-ҳозирги замон немис тилидаги боғловчиларнинг сўз туркумлари ва қўшма гап компонентларини боғлашдаги хизматини таҳлил қилиш бўлиб ҳисобланади.

Ишдан кўзда тутилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Боғловчиларнинг бошқа сўз туркумлари доирасида тутган ўрнини белгилаш;
- Боғловчиларга хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;
- Немис тилидаги боғловчиларнинг турларини кўрсатиш;
- Боғловчиларнинг гап бўлакларини бирлаштиришдаги ролини аниқлаш;
- Немис тилига хос бўлган эргаш гапнинг ҳар бирини бош гапга боғловчи сўзларни таҳлилдан ўтказиш.

Ушбу мақсад ва вазифаларни бажариш учун биз ўз ишимизни қуйидаги кўринишда тузишни лозим топдик:

I Кириш

Асосий қисм:

I Боб. Боғловчи – алоҳида бир сўз туркуми сифатида

1.1. Сўзларни туркумларга ажратиш принципи

1.2. Боғловчилар ҳақида умумий тушунча

II Боб. Қўшма гап компонентларини боғловчи сўзлар

2.1. Боғланган қўшма гап компонентларининг боғланиши

2.2. Эргаш гапли кўшма гап компонентларини боғловчи сўзлар

2.3. Эргаш гап турларини бош гапга боғловчи воситалар

III Хулоса

IV Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ишнинг кириш қисмида мазкур битирув малакавий ишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар белгиланиб, унинг структураси аниқланади.

Асосий қисмнинг биринчи бобида дастлаб боғловчиларнинг бошқа сўз туркумлари доирасида тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинади. Кейин ҳозирги замон немис тилидаги боғловчиларга хос бўлган хусусиятлар ҳақида фикр юритилади. Шундан сўнг боғловчи сўзларнинг турлари белгиланиб, уларнинг ҳар бирига керакли характеристика берилади. Биринчи бобнинг ниҳоясида боғловчиларнинг гап бўлақларини боғлашдаги бўлақларини боғлашдаги роли ҳақида атрофлича тўхталади.

Иккинчи боб тўлиғича кўшма гап компонентларининг ўзаро боғланиш йўлларига бағишланган. Бу ерда дастлаб боғланган кўшма гап таҳлилдан ўтказилади. Унда асосий эътибор тенг боғловчиларга қаратилади.

Ушбу бобда асосий эътибор эргаш гапли кўшма гап компонентларининг ўзаро боғланишига қаратилади. Дастлаб эргаш гаплар турларга ажратилиб, кейин ҳар бир тур устида алоҳида тўхталади. Бу ерда биз боғловчилар деганда уни кенг маънода тушунамиз. Чунки унда на фақат боғловчилар, балки олмош ва равишларнинг ҳам боғловчи сўз функциясини бажаришига алоҳида эътибор қаратилган.

Булардан ташқари ҳар бир бобнинг ниҳоясида тегишли хулосалар келтирилиб, улар ишнинг охирида умумлаштирилади.

Битирув малакавий ишнинг ёзилишида турли услублардан фойдаланилди. Улар жумласига тасвирий, компонентлар таҳлили, қиёслаш каби услубларни киритиш мумкин.

Мазкур битирув малакавий ишнинг амалий қиймати шундан иборатки, ундан талабалар назарий ва амалий грамматика дарсларида ва битирув малакавий ва курс ишлари ёзишда фойдаланишлари мумкин.

Ишнинг яратилишида Ватанимиз ва чет элларда мавзу бўйича яратилган кўпгина илмий ва назарий ишлардан фойдаланилди. Уларнинг рўйхати ишнинг ниҳоясида илова қилинган.

I БОБ. БОҒЛОВЧИ – АЛОҲИДА БИР СЎЗ ТУРКУМИ СИФАТИДА

1.1. СЎЗЛАРНИ ТУРКУМЛАРГА АЖРАТИШ ПРИНЦИПИ

Тилимиздаги сўзлар ўзларига хос хусусиятларига кўра от, сифат, сон, олмош, боғловчи, феъл каби бир неча группаларга бўлинади. Сўзларнинг бундай группалари грамматикада **сўз туркумлари** деб аталади.

Сўзларнинг бирор туркумга мансублигини аниқлаш ва кўрсатишда уларнинг лексик, морфологик ва синтактик белгилари қандай сўроққа жавоб бўлиши асос қилиб олинади.

Ҳар бир туркумга кирувчи сўзлар бир қатор умумий белгиларга эга бўлади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. **Сўзларнинг маъно жиҳатдан уйғунлиги.** Масалан, предмет тушунчасини ифодаловчи *die Menschen, die Stadt, das Wasser, der Kopf* каби сўзлар тўдаси отлар туркуми дейилади. Бу туркумдаги сўзлар *der Vogel, der Wind, die Baumwolle* конкрет тушунчаларни ифодалаганидек, *die Liebe, die Größe, die Geschichte* каби умумлашган ва абстракт тушунчаларни ҳам ифодалайди.

Шундай қилиб отлар туркумидаги сўзлар предмет, ходиса ва воқеа тассавурини, умумлашган ва абстракт тушунчаларни ифодалайди. Бу туркумдаги сўзлар *wer?, was?* сўроқларига жавоб бўлиб келади.

Шунингдек, предметларга хос доимий белги маъносини ифодаловчи *rot, groß, stark* каби сўзлар тўдаси сифатлар туркуми дейилади. Бу туркумдаги сўзлар предметларнинг ранг-тус, шакл, ҳажм, хусусият, хосса, фазилат каби доимий-статик белгиларни кўрсатиш учун хизмат қилади ва *wie?, welcher?* каби сўроқларга жавоб бўлади.

Шу каби предметнинг ҳаракат ё ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар тўдаси **феъллар туркуми** дейилади. Бу туркумдаги сўзлар ҳаракат тушунчасидан ташқари яна *liegen, schlafen* каби ҳолат тушунчасини ҳам; *fühlen, erschrecken* каби психик ўзгаришлар тушунчасини ҳам; *wachsen* каби биологик ўзгаришлар – ривожланиш тушунчасини ҳам; *lieben ängstigen* каби

субъектнинг объектга муносабати тушунчасини ҳам англатади. Бу туркумдаги сўзлар was machen? сўроғига жавоб бўлиб келади.

2. Гап таркибида бажарадиган синтактик функциясига кўра. Бу жиҳатдан ҳар бир сўзлар туркумига мансуб бўлган сўзларга бир хил синтактик функцияни бажариш хосдир. Уларнинг гап таркибида эгаллайдиган ўрни ҳам аниқ бир кўринишга эга бўлиб ҳисобланади. Масалан, отлар одатда артиклар билан бирикиб турланиш мақомига эга бўлади ва гапда асосан эга тўлдирувчи ва бошқа гап бўлаклари функциясини бажариш хусусиятига эга.

Сифатларда махсус даражаланиш учун сифатларга даража ясовчи аффикслар кўшиладики, бу сифатларнинг морфологик хусусиятидир. Сифатларнинг гапдаги асосий синтактик вазифаси отлар ва отлар ўрнида қўлланган сўзларга мослашув йўли билан боғланиб, аниқловчи ролида келишидир. Бироқ ўрни билан сифатлар гапда бошқа вазифаларда ҳам қўллана олади.

Сонлар предмет миқдорини, умуман миқдор белгисини англатиш учун қўлланганда, гапда сифатлар каби аниқловчи вазифасида келади. Феълларнинг муҳим ва типик синтактик вазифаси гапда асосан кесим вазифасида келишидир.

3. Морфологик белгиларига кўра ҳар бир туркумга оид бўлган сўзлар ўзига хос сўз ясаш ва сўз ўзгартиш учун хизмат қилувчи аффиксларга эга. Масалан, отлар учун – ung, - heit, - keit, - schaft, - tum, - er, - e каби суффикслар; сифатлар учун – bar, - sam, - ig, - lich каби аффикслар, сонлар учун эса – te, - ste, - zig каби аффикслар хос.

Тилдаги сўзларни туркумларга ажратиш билан олимлар қадимдан қизиқиб келишган. Масалан, сўзларни туркумларга ажратиш германистикада узоқ ўтмишга эга. У бугунги кунгача тўлиқ маънода ўз ечимига эга эмас. Бунга сабаб олимлар орасида ягона бир критериянинг йўқлигидир. Бунинг натижасида турли хил сўз туркумлари қайд этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, қадимги немис тили даврида сўз туркумлари 9 ёки 10

гуруҳга ажратилган. Бу соннинг икки хил бўлишига сабаб айрим тилшунослар ўша даврда артиклни сўз туркумлари жумласига киритган, бошқалари эса уни инкор этишган.

Ҳозирги замон немис германистикасида сўз туркумларининг классификация муаммоси кўпгина олимларни қизиқтириб келади ва бу масалани назарий ўрганишга сабаб бўлиб келмоқда. Эндиликда бир-биридан тубдан фарқ қилувчи баъзи концепциялар мавжуд бўлиб, улар юқорида биз кўрсатиб ўтган сўз туркумларини ўнтагача ажратиш принциpidан четлашишга сабаб бўлмоқда. Бир қатор тилшунослар, биринчи бўлиб Х.Глинц томонидан таклиф этилган сўз туркумларини 5 ёки 6-га ажратиш ҳақидаги назариясига таянадилар. Х.Глинц сўз туркумларини 10-га ажратиш анъанасига қарши чиқади. Унинг фикрича, ушбу классификацияда ягона бир принцип йук бўлиб, ишда бир нечта критериялар аралашиб кетган. Шунинг учун ҳам у сўзларни ягона принцип асосида классификация қилишга интилади. У бу ерда, биринчидан, сўзларнинг семантикасига, иккинчидан, уларнинг морфологик тузилишига катта эътибор қаратади [Glinz, 1965: 120].

Х. Глинц ҳар бир сўз туркумлари гуруҳга "бир хил тузилишга эга бўлган (*gleich geprägter*) ва бир хил тартибда ўз формасини ўзгартирадиган сўзларни" киритади. Бу жиҳатдан Х.Глинц сўзларни қуйидаги туркумларга ажратади: 1) жараённи ифода этувчи сўзлар (*Vorgangswörter* - феъллар); 2) предметни ифода этувчи сўзлар (*Größenwörter* - отлар); 3) отларнинг ёрдамчилари (артикль, олмош, сон); 4) тур ва белгини ифода этувчи сўзлар (*Art - oder Merkmalswörter* - сифат ва равишлар); 5) юкламалар (*Partikeln* - боғловчи, предлог); 6) ундовлар. Булар ичида 1), 2) ва 4)-чи гуруҳга кирувчи сўзлар - асосий сўз туркумларини ташкил этади ва **Hauptwortarten** деб атайди. Бу сўз туркумлари ўзига хос белгиларга эга, яъни улардан жараённи ифода этувчи сўзларга тусланиш, асосий сўз туркумларининг қолганларига эса турланиш хос, тур ва белгини акс эттирувчи сўзларга ўз навбатида даражалар бўйича турланиш хос. Юкламаларга эса даражалар хос эмас. Бу ерда шунини кўрсатиш лозимки, Х.Глинц ўзининг "Die innere Form des

Deutschen” номли грамматикасида 4) ва 5)-чи гуруҳга кирувчи сўз туркумлари қаторига "кўрсатиш-сўзларни (Angabewörter) ҳам киритади. Ўз навбатида уларни яна 3 гуруҳга ажратади: Улар: 1) сифатлар (Artwörter), 2) предлог ва боғловчилар (Fügewörter), 3) соф-равишлар (Stellwörter). Бу ерда сифатлар ва сифат-равишлар, яъни сифатдан ясалган равишлар ва равиш сифатида ишлатиладиган сифатлар бир гуруҳ сўз туркумларига киритилган. Глинцнинг фикрича, улар бир хил фикрлашнинг натижаси. Улар ўртасидаги фарқ гап таркибида ҳар хил функцияни бажариши жараёнида намоён бўлади. **"Дуден" грамматикасида сўз туркумларининг классификацияси** [Der Große Duden, 1962].

"Дуден" грамматикасининг 1959 йилдаги нашрида П.Гребе сўзларни туркумларга ажратишда асосан Х.Глинц принципига қўшилади. Сўз туркумларининг классификацияси даставвал уларнинг семантикасига асосланади. Бу ҳақда у шундай ёзади: "Слова, принадлежащие к той или иной части речи, либо обозначают предметы мира, переносимые в наше сознание при помощи языка, либо способствуют, благодаря их неизменной роли в предложении, сочетанию отдельных значений в единство, путем их связи с миром формальных отношений". Шунга амал қилган П.Гребе Х.Глинц каби фақат бошқача ном билан сўз туркумларини 6 гуруҳга ажратади. Мана улар: 1) феъл, 2) от, 3) сифат, 4) отни бошқарувчи ва ёрдамчи сўзлар (артиклъ, олмош, сон), 5) юклама (равиш, предлог, боғловчи, 6) предлог, феъл, от ва сифатлар ушбу грамматикада "асосий сўз туркумлари" ни ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, "Дуден" грамматикасининг кейинги нашрларида турли хил критериялар асос қилиб олинади ва натижада сўз туркумларининг классификациясида ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлди. Масалан, ушбу грамматиканинг 1966 йилдаги иккинчи нашрида сўзларни классификация қилишда семантик ва морфологик критерия асос қилиб олинган. Синтактик критерия эътибордан четда қолган. Ниҳоят "Дуден" грамматикасининг 1973 йилдаги 3-чи нашрида сўзлар гаптаги турли функцияси ва унга боғлиқ бўлган формал белгиларига кўра классификация

қилинади. Кўриниб турибдики, бу ерда сўзлар синтактик ва морфологик белгилари асосида турларга ажратилади. Сўзларнинг семантик критерияси эса фақат қўшимча белгилар сифатида жалб қилинади. Бу ерда шу нарса диққатга сазоворки, "Дуден" грамматикасининг ҳар учала нашрида сўзларни классификация қилиш принципи ўзгариб турган билан сўз туркумларининг сони ўзгармай қолган.

И. Эрбен томонидан сўз туркумларининг классификация қилиниши.

И.Эрбеннинг классификацияси биров тафовутни ҳисобга олмаганда Х.Глинц классификациясидан фарқ қилмайди. И.Эрбен сўз туркумлари ҳақида шундай ёзади: "Части речи как группы слов, выполняющих сходные функции и имеющих при употреблении в рамках предложения определенные, характерные отдельных групп, формальные особенности (функциональные индикаторы), и частично занимающие - в соответствии с их функцией - постоянное место в предложении" [Erben, 1964: 18].

И.Эрбен ҳам ўз грамматикасида сўзларни туркумларга ажратишда урта критерияга таянади. Бироқ унинг фикрича, энг асосий критерия-бу семантик критериядир. У айниқса бирон бир процесс ёки ҳолатни аниқлашда жуда қўл келади. И.Эрбен сўз туркумларини 5 гуруҳга ажратади:

1) ҳолат ёки процессни ифода этувчи сўзлар (Zustand - oder vorgangschildernde Aussagewörter - феъллар), 2) атама сўзлар (Nennwörter - отлар), 3) кузатувчи сўзлар (charakterisierende Beiwörter - сифат ва равишлар), 4) боғлама сўзлар (Fügewörter - предлог ва боғловчилар), 5) формал сўзлар (größenbezügliche Formwörter mit situationsbestimmten Funktionswert - олмош).

И.Эрбеннинг ушбу классификацияси Х.Глинц ва П.Гребе классификациясидан деярлик фарқ қилмайди. Бу ерда фақат артикль ўз ўрнини топмаган. У олмошлар таркибига киритилган. Сонлар кузатувчи сўзлар қаторига алоҳида группа сифатида киритилган. Юкламалар гап таркибининг ташқарисига чиқарилган. Ушбу муаллиф ўз классификациясида

асосий эътиборни сўзларнинг гаптаги функциясига ва грамматик белгисига қаратади. У ўз навбатида сўзларнинг синтактик ва морфологик белгисини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Унинг фикрича, ҳар қандай сўз туркуми гап доирасида маълум бир ролни ўйнайди ва ўзига хос функционал белгига эга. У ёки бу гуруҳга кирувчи ҳар бир сўз ўша туркумдаги сўзлар учун умумий бўлган маънога эга. Эрбен томонидан тақдим этилган сўз туркумларини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

1) **"очик" мустақил сўз туркумлари.** Уларга а) феъл (тусланиш қўшимчаси билан), б) от (келишик қўшимчаси билан), в) сифат ва равиш (3 та даражаси билан).

2) **"ёпиқ" ёрдамчи сўз туркумлари.** Бу ҳам ўз навбатида 3 гуруҳга ажратилади. Улар: а) формал сўзлар (олмош ва равиш олмошлар), б) боғловчи сўзлар (предлог ва боғловчилар), в) гапни характерловчи равишлар (модал ва модал-экспрессив юклама ва равишлар).

В.Юнг классификацияси. И.Эрбен томонидан ишлаб чиқилган анъанавий номли 5 туркум сўз туркумлари В.Юнг грамматикасида ҳам ўз тасдиғига эга бўлган. Ушбу муаллиф ҳам сўзларни туркумларга ажратишда учта критерия доирасида ҳаракат қилади. Ушбу критериялар шакл, маъно ва функция бўлиб, В.Юнг асосий эътиборни сўзларнинг маъносига қаратади. Ҳар бир сўзлар туркуми бир хил тушунча ва бир хил формал белгига эга. Сўзлар бизнинг теварак атрофимиздаги бутун борлиқни ифода этади. Борлиқ-дунё ўзининг ифодасини "предмет тушунчаларида" (Dingwörter-отлар), белги, хусусиятда (Eigenschaftswörter-сифатлар) топади [Jung, 1966: 170].

В.Юнг ҳам ўз грамматикасида сўзларни 5 гуруҳга ажратади: 1) феъл; 2) от (артикуль ҳам унга киритилган); 3) сифат ва равиш; 4) олмош; 5) боғлама сўзлар (предлог ва боғловчилар). Ушбу классификация деярлик тўлиғича И.Эрбенникига мос тушади. Бу ерда фақат артикуль И.Эрбенникидагидек олмошлар билан қўшилмасдан, отларга қўшилгандир. В.Юнгнинг классификациясини анъанавий классификация билан чоғиштириш шуни кўрсатадики, Юнгда сонлар ва юкламалар алоҳида сўз туркумлари сифатида

каралмайди. Сонлар ўз навбатида сифат, от, олмош ва равиш каби сўз туркумларига қўшиб ўрганилади. Юкламалар эса ҳеч қандай сўз туркуми ҳисобланмайди. Предлог ва боғловчилар морфологик ва семантик хусусиятидан келиб чиқиб, "**боғлама сўзлар**" деб қаралади. Сифат ва равишлар "аниқловчи" сўз хусусиятига эга бўлишига қарамадан алоҳида-алоҳида ўрганилади. Чунки улар ўзига хос формал белгига эга, яъни сифатлар турланади, равишлар эса турланмайди. Бундан ташқари сифатлар предметнинг белгисини, равишлар эса иш ҳаракатнинг ўрнини, пайтини ва бошқаларни англатади.

XX-асрнинг 30-70-чи йилларида рус тилшунослари орасида немис тилидаги сўз туркумларини 9-10 гуруҳга ажратиш кенг тарқалган эди. Масалан, Л.Р.Зиндер ва Т.В.Строевалар немис тилидаги сўзларни туркумларга ажратишда икки принципга асосланишган [Зиндер, Строева. 1957: 60].

1. Синтактик принцип. Бу ерда сўзларнинг мустақил сўз туркуми сифатида намоён бўлиш имконияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бунга боғлиқ тарзда сўзлар иккига, яъни мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари гуруҳига ажратилади.

2. Морфологик принцип. Бу ерда сўзларнинг ўзгариши / ўзгармаслиги асос қилиб олинади.

Бу икки принципга асосланган тарзда Л.Р.Зиндер ва Т.В.Строевалар немис тилида сўзларни 9 гуруҳга ажратишган: 1) от, 2) сифат, 3) сон, 4) олмош, 5) феъл, 6) равиш, 7) предлог, 8) боғловчи, 9) юклама. Муаллифлар артиклни сўз туркумлари қаторига қўшишмайди.

Е.И.Шендельс ўз ишида сўзларни туркумларга ажратишда даставвал уларнинг семантикасида келиб чиқади ва кейин уларнинг грамматик категорияси ва парадигмасига таянади. Парадигмани талқин қилиш жараёнида уларнинг ясалиш принципига ҳам катта эътибор қаратади. Бу ерда артикль алоҳида сўз туркуми сифатида қаралмасдан, от билан бирлашган ҳолда ўрганилади. Асосий эътибор артикларнинг аниқлик ва ноаниқликни ифодалаш хусусиятига қаратилади. Модал сўзлар сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабатини ифодаловчи

равишларнинг алоҳида бир тури сифатида қаралади. Шундай 10 гуруҳга ажратиш билан бир қаторда артикль ва модал сўзларни алоҳида ўрганишни таклиф қилади [Шендельс, 1958: 14].

Е.В. Гулыга ва М.Д.Натанзон ҳар бир сўз туркумига кирувчи сўзлар қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

- 1) умумий лексик маънога;
- 2) грамматик категорияларнинг умумийлигига; гапда муайян синтактик функцияга; бошқа сўз туркумлари билан бирикиш қобилиятига; бир хил сўз яшаш принципига [Гулыга, Натанзон, 1962: 21].

Бу муаллифлар сўз туркумларини 10 гуруҳга ажратишади. Ундовлар алоҳида гуруҳ сифатида қаралади. Модал сўзлар мустақил сўз туркуми сифатида ажратилади. Бу нарса германистикада янгилик бўлиб ҳисобланади. Чунки шу пайтгача ҳеч қайси бир тилшунос модал сўзларни мустақил сўз туркуми сифатида қараманган. Артикль от билан қўшиб ўрганилади ва у отларнинг аниқ ва ноаниқлиги, ҳамда грамматик категориясини кўрсатиб келади, деб ҳисоблайди. Ҳар бир сўз туркумининг сўз яшаш принципи китобда кенг доирада ўз аксини топган.

- 1) биринчи қатлам - 6 та мустақил сўз туркумлари;
- 2) иккинчи қатлам - модал сўзлар;
- 3) учунчи қатлам - ёрдамчи сўзлар;
- 4) тўртинчи қатлам – юклама.

XX-асрнинг 70-80 йилларида германистиканинг машҳур олими В.Г.Адмони сўзларни туркумларга ажратишда турли-туман критерияларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олиш керак деган ғояни олға суради [Адмони, 1972: 62-89]. У сўзларни 12 турга ажратиш жараёнида инкор сўзларни ҳам сўз туркуми деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бунга сабаб инкор сўзларнинг негатив маънога эга бўлиши ва уларнинг "n" га тугайдиган ўзак морфемага тугашидир. Бироқ баъзи тилшунослар В.Г.Адмонининг бу фикрига эътироз билдиришади. Улар ўз фикрларини инкор сўзларда парадигматик ва синтагматик кўрсаткичларнинг йўқлиги билан исботламоқчи бўлишади.

О.И.Москальская немис тили сўз бойлигида сўзларнинг 14 гуруҳи мавжудлигини кўрсатади. У сўз туркумлари 4 гуруҳга ажратади.

1 гуруҳ. Мустақил сўз туркумлари: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш.

2 гуруҳ. Ёрдамчи сўз туркумлари: предлог, боғловчи, юклама, боғлама феъллар, ёрдамчи феъллар, артикль.

3 гуруҳ. Модал сўзлар.

4 гуруҳ. Юкламалар. [Москальская. 1956: 37].

О.И.Москальская сўз туркумлари бундай тўрт гуруҳга ажратиш - немис тилининг ўзига хос хусуияти, деб ҳисоблайди. У сўзларни туркумларга ажратишда қуйидаги принципларга таянади: а) сўзларга хос бўлган умумий маъно; б) синтактик функция; в) уларнинг морфологик тузилиши.

Ўзбек тилшуноси Т.З.Мирсоатов ҳам немис тилидаги сўзларни ўн бир туркумга бўлади [Мирсоатов, 1974: 17].

Мустақил сўзлар

1. От (das Substantiv)
2. Сифат (das Adjektiv)
3. Сон (das Numerale)
4. Олмош (das Pronomen)
5. Феъл (das Verb)
6. Равиш (das Adverb)
7. Модал сўзлар (die Modalwörter)

Ёрдамчи сўзлар

8. Предлог (die Präposition)
9. Боғловчи (die Konjunktion)
10. Юклама (die Partikel)
11. Ундов (die Interjektion)

Ҳозирги немис адабий тилидаги барча сўзлар муҳим грамматик белгилари ва асосий лексик-семантик хусусиятларига қараб дастлаб икки катта тўдага бўлинади: 1. Мустақил сўзлар. 2. Ёрдамчи сўзлар.

Предмет ва ҳаракат тушунчаларини ёки белги, микдор маъносини ифодалайдиган, гапда мустақил сўроқларга жавоб бўлиб келиб, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи каби гап бўлаклари вазифасида қўллана оладиган сўзлар

мустақил сўзлар дейилади. Мустақил сўзлар гапда база ва асос вазифасида келиб, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи аффиксларни қабул қилади. Отлар, сифатлар, сонлар, олмошлар, феъллар ва равишлар мустақил сўзлар тўдасини ташкил қилади. Сўз туркумлари доирасида муҳим омил мана шу мустақил сўзлардир.

Гапда турли грамматик вазифаларни бажариш, сўзлар ва гаплар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалаш учун хосланган *und, weil, mit, aber, in* кабилар ёрдамчи сўзлар деб аталади. Ёрдамчи сўзларнинг асосий вазифаси мустақил сўзларнинг ё айрим гапларнинг ўзаро грамматик боғланиши учун улар ўртасида турли муносабатларни ифодалашдир. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар каби алоҳида тушунчаларни ифодалай олмайди. Шу сабабли улар ёлғиз ҳолатда сўзлар бирикмасидан ёки гапдан ташқарида қўллана олмайди. Ёрдамчи сўзлар одатда, база ва асос вазифасида қўлланмайди. Демак, улар сўз ўзгартувчи аффиксларни қабул қилаолмайди. Буларда тусланиш, турланиш ва ясалиш каби морфологик хусусиятлар йўқ.

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса аёнки, германистикада сўзларни туркумларга ажратишда турли-туман ёндашишлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар хил турлари кайд этилган. Дастлабки даврларда боғловчи алоҳида сўз туркуми сифатида қарамаган бўлса, кейинчалик у ёрдамчи сўзларнинг алоҳида бир тури сифатида талқин қилинади.

1.2. БОҒЛОВЧИЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Немис тилида боғловчилар предлоглар каби ўзгармайдиган сўзлардир. Улар мустақил гап бўлаги вазифасида келмай, балки гап бўлаклари ёки қўшма гап ичидаги содда гапларни ўзаро бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлардир. Боғловчилар ўзларининг лексик маъноларига кўра гапдаги боғланиш характерини аниқлайдилар.

Боғловчилар фақат алоҳида сўзларнинг бир-бири билан гапдаги боғланиш характерини белгиламай, балки сўз бирикмалари, қўшма гаплар компонентларининг боғланиш характерини ҳам аниқлайди.

Ҳозирги замон немис тилидаги боғловчиларнинг турини аниқлашда тилшунослар орасида ягона фикр йўқ. Улар боғловчиларнинг тузилишига

кўра ҳар хил турларини кўрсатишади. Масалан, М.Г.Арсеньева ва бошқалар боғловчиларни тузилишига кўра тўрт гуруҳга ажратишади [Арсеньева, 1957: 202].

1. Содда боғловчилар: und, daß, da, weil, denn, aber u.a.
2. Қўшма боғловчилар: nachdem, solange, indem, sobald, trotzdem, sowie u.a.
3. Икки бўлакли боғловчилар: (zweigliedrige Konjunktionen) so daß, als ob, als wenn, wie wenn, ohne daß, und zwar u.a.
4. Кўп қисмли боғловчилар: (mehrteilige Konjunktionen) weder...noch, entweder... oder, teils ...teils, bald ...bald, nicht nur ... sondern auch, sowohl ... als auch.

И.А.Ҳакимов немис тилидаги боғловчиларни бу жиҳатдан учга ажратади: [Ҳакимов, 1976: 96-97].

1. Содда боғловчилар. Улар ўз навбатида яна иккига ажратилади: а) туб боғловчилар: und, auch, aber, allein, nur, doch, schon, oder, als, bis, ab usw; б) ясама боғловчилар: falls, nämlich, teils-teils, erstens, zweitens usw.

2. Қўшма боғловчилар: zudem, nachdem, seitdem, außerdem, dagegen, vielmehr, solange, sobald.

3. Составли боғловчилар: so daß, als ob, als wenn, ohne daß, als daß, wie auch,, anstatt daß, es sei denn daß usw.

Булардан ташқари И.А.Ҳакимов боғловчиларни ишлатилишига кўра ҳам 3 гуруҳга ажратади:

- а) ёлғиз (якка) боғловчилар: und, auch, aber, weil, als;
- б) такрорий боғловчилар: bald-bald, teils-teils;
- с) жуфт боғловчилар: sowohl-als auch, wieder-noch, entweder-oder, nicht nur-sondern, auch, je-desto usw.

Боғловчилар ҳақидаги худди шунга ўхшаш фикрларни биз Т.З.Мирсоатовнинг грамматикасида ҳам топамиз. У боғловчиларни тузилишига кўра содда, қўшма ва составли боғловчиларга бўлади [Мирсоатов, 1974: 225].

1) Содда боғловчилар. Бунга мустақил маънога эга бўлган сўзларнинг бевосита боғловчиларга кўчган қисми киради. Содда боғловчилар **туб** ва **ясама** бўлади:

а) **Туб боғловчилар:** und, auch, aber, doch, oder, als, bis, ob usw.

Мисоллар:

Vater und Mutter; er und sie; Die Verwandten und alle alten Freunde des Jubilars;

б) **Ясама боғловчилар:** falls, nämlich, erstens, zweitens drittens.

Falls es schlecht ist, so bleiben wir zu Hause.

2. **Кўшма боғловчилар.** Бунга бирдан ортиқ сўзлардан кўшилган ва ҳозирги немис тилида кўшма сўз формаларига эга бўлган боғловчилар киради: zudem, nachdem, seitdem, außerdem, dagegen, vielmehr, solange, sobald.

Seitdem ich ihn kenne, ist er mein Freund.

3. **Составли боғловчилар.** Бунга ҳозирги немис тилидаги бирдан ортиқ боғловчиларнинг қўшилишидан тузилган боғловчилар киради: so daß, als ob, als wenn, ohne daß, als daß, wie auch,, anstatt daß, es sei denn daß.

Er tut ja so, als ob nichts gesehen wäre.

Боғловчилар қўлланилишидаги хусусиятига кўра яна қуйидагича фарқланади:

а) якка боғловчилар: und, auch, aber, weil, als;

б) такрорий боғловчилар: bald-bald, teils-teils;

в) жуфт (кўш) боғловчилар: sowohl-als auch, weder-nach, entweder-oder, nicht nur-sondern auch, je-desto.

Е.И.Шендельс фикрича, боғловчилар қуйидаги семантик алоқаларни ўзида мужассамлаштиради:

а) **kopulative (anreihende) Beziehung:** und, auch, zudem, sowie, außerdem, überdies, ferner u.a.

б) **disjunktive (ausschließende) und adversative (entgegensetzende) Beziehung:** aber, doch, dennoch, sondern, desto, oder;

c) alternative Beziehung: entweder-oder;

d) temporale (zeitliche) Beziehung; Gleichzeitigkeit: während, indem, indessen, solange, sooft, als, wenn, nun; Vorzeitigkeit: nachdem, sobald, seit (dem), als, wenn; Nachzeitigkeit: bis, bevor, ehe.

e) vergleichende Beziehung: so, ebenso, als, desto, um so, als ob, als wenn, wie, wenn;

f) restriktive und konzessive

Beziehung: (in) sofern, (in) soweit, nur daß, trotzdem, obwohl, wenngleich usw.

g) Grund, Folge, Ziel: denn, ja, doch, weil, da, darum, deswegen, dazu, damit, auf daß.

h) Bedingung: sonst, andern, falls, wenn, falls.

i) Verneinung: weder-noch, ohne-daß, ohne-zu.

Боғловчиларни маъно жиҳатдан иккига ажратиш мумкин: 1) бир маъноли боғловчилар: dennoch, desto, sondern, bis, bevor, ehe, als, weil u.a. 2) кўп маъноли боғловчилар: als, nachdem, und u.a. Кўп маъноли боғловчиларнинг маъноси контекст ёрдамида очилади. Масалан:

1. Er schwimmt besser als sein Bruder. – Komparative Bedeutung, realer Vergleich.

2. Er schwimmt so leicht und geschwind, als sei sein Körper ohne Gewicht. – Komparative Bedeutung, irrealer Vergleich.

3. Als der Startschuß erfolgte, sprangen die Schwimmer ins Wasser. – Temporale Bedeutung, Vorzeitigkeit.

4. Als er klein war, lobte er auf dem Lande. – temporale Bedeutung, Gleichzeitigkeit.

5. Er arbeitete als Schlosser – die Bedeutung der Art und Weise.

6. Die Verdienste Einsteins als Physiker. – die Eigenschaft des Bezugswortes.

Худди шунингдек **und** боғловчиси ҳам кўп маънолилиқ хусусиятига эга. Қиёсланг:

1. Bruder und Schwester; kurz und bündig.
2. Sag noch ein Wort, und ich gehe!
3. Immer schneller und schneller; Er schläft und schläft.

Und боғловчиси яна бир боғловчи билан боғланиш ҳолатлари кузатилади. Улар иккаласи кўшилиб, алоқани янада кучайтиради: und, auch, und zudem, und dazu, und da, und so, und doch, und dennoch, und darum, und deshalb, und deswegen, und zwar, und somit.

Бу ерда полисемия ва омонимлар тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Масалан, *allein* сўзи икки хил сўз туркуми бўлиб келиши мумкин: Равиш ёки боғловчи. Қиёсланг:

1. Hast du diesen Korb allein gebastelt? (Adverb).
2. Sie lebt allein (Adverb).
3. Die Botschaft hör ich wohl, allein mir fehlt der Glaube (Goethe, Faust).

Шунга ўхшаш ҳолатни биз „**da**“ сўзида ҳам кузатамиз. У бир кўринишда ўрин ёки пайт маъноларига эга бўлса, иккинчи ҳолатда боғловчи функциясини бажариб келади. Қиёсланг:

1. **Da** liegt ein Voch, gib es mir (Adverb).
2. **Da** es heute regnet, nimm den Schirm! (Konjunktion).

Боғловчилар ўртасида бир қатор синонимлар мавжуд. Қиёсланг: *als-nachdem; weil-da-denn; wenn-falls; als-als ob-als wenn-wie wenn; während-indem* и.а. Бироқ бу синоним боғловчилар айрим тафовутларга эга:

а) **стилистик бўёғига кўра**: Масалан, *auf daß, wie wenn, obgleich, allein* боғловчилари анча эскирган бўлиб, улар ўрнида *damit, als, als ob, obwohl, aber* боғловчилари ишлатилади.

б) **маъно жиҳатдан фарқланишига кўра**: Масалан, *während* сўзи карама-қарши қўйишининг қисман маъносига эга, бу жиҳатдан *indem* тўлиқроқдир.

в) **структурасига таъсир этишига кўра**: Масалан, weil, da боғловчилари кесимнинг гап охирида келишини талаб қилиб келса, denn боғловчисидан кейин кесим туради. Айнан шу нарсани als ob ва als боғловчиларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Боғловчилар ифодалайдиган синтактик алоқаларнинг хусусиятига кўра икки катта группа бўлинади: 1) **тенг боғловчилар** (beiordnende – Koordinierende Konjunktionen); 2) **эргаштирувчи боғловчилар** (unterordnende – subordinierende Konjunktionen).

Грамматик муносабатлари ўзаро тенг бўлган уюшиқ бўлақларни ё айрим гапларни бириктирувчи боғловчилар тенг боғловчи дейилади.

Тенг боғловчилар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) Гапнинг уюшиқ бўлақларини боғлайди: Akmal und Rano gehen ins Kino.
- 2) Қўшма гаплар составидаги гапларни боғлайди: Der Garten lag in vollem Mondlicht, und auf den weiß leuchtenden Kieswegen gingen die Gäste plaudernd und rauchend umher (Th.Mann).

Тенг боғловчилар маъно муносабатида кўра тўрт хилдир:

1. **Бириктирувчи боғловчилар** (kopulative oder anreihende Konjunktionen): und, auch, sowie, zudem, außerdem – desgleichen, sowohl – als auch, nicht nur – sondern auch, weder ... noch, bald – bald, erst – dann, ferner, ja, weiter, hernach, zuletzt, endlich, erstens – zweitens, drittens usw; teils – teils, einerseits – anderseits.

2. **Зидловчи боғловчилар** (adversative oder entgegenstellende Konjunktionen): aber, oder, allein, doch, jedoch, dennoch, indessen, gleichwohl, vielmehr, sondern, trotzdem, entweder – oder.

3. **Сабаб-натижа боғловчилар** (kausal konsekutive Konjunktionen): denn, nämlich, ja, doch, folglich, also – daher, darum, deshalb, deswegen, somit, sonach, infolgedessen, demnach.

4. **Айирувчи боғловчилар** (partitive Konjunktionen): bald – bald, teils – teils, halb – halb.

Мана энди тенг боғловчиларнинг айримларига мисоллар келтирамиз:

1. „Du meinst, es war gar nicht der Diener nicht wahr, **sondern** der Herr selber?“ (W.Bredel. Die Söhne. S. 33).

2. Die Bastille war gestürmt, **aber** vor den Toren der Stadt standen die Truppen des Königs (Eben da. S. 250).

3. Herr Friedemann hatte kaum seinen Dank **und** seine Zusage hervorgebracht, als der Türgriff energisch niedergedrückt wurde **und** der Oberleutnant eintrat.

Тенг боғловчилар олдинги гап билан мазмунан боғлаш учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Бундай пайтлар янги гап боғловчидан бошланади. Қиёсланг:

1. „Sie kommen her!“ Keucht Liese. „Sie sind schon im Haus!“ **Und** sie rennt weiter (B.Balázs).

2. Franz war der Sohn eines armen Schuhmachers, eines kränklichen mürrischen Mannes, der nicht über die Politik reden mochte. **Aber** zuweilen erzählte sein Vater vom Kriege (B.Balázs).

М.Г. Арсеньева ва бошқалар немис тилидаги тенг боғловчиларни тўрт гуруҳга ажратиб қуйидаги схемага солади [Арсеньева, 1957: 203].

| Art der Verbindung | Beiordnende Konjunktionen |
|--------------------|---|
| Kopulativ | und, auch, sowie, sowohl als auch, nicht nur ... sondern auch, weder ... noch, bald ... bald, teils ... teils, und zwar |
| Adversativ | aber, oder, allein, doch, jedoch, dennoch, indessen, trotzdem, sondern, entweder ... oder |
| Kausal | denn, nämlich |
| Konsekutiv | also, folglich, demnach, somit |

Немис тилида баъзан равиш ва олмош-равишлар ҳам тенг боғловчилар функциясини бажариб келиши мумкин. Улар жумласига dann, ferner, zuletzt, zudem, außerdem, daher, deshalb, darauf кабилар киради. Булар боғловчилардан фарқли равишда нафақат боғловчи, балки гап бўлаги функциясини ҳам бажариб келади. Улар сўз тартибига таъсир қилмайди. Қиёсланг:

Friede Brennten wollte niemanden kränken oder verärgern, deshalb sprach sie oft den Menschen nach dem Mund (W.Bredel. Die Väter. S. 241).

Эргаштирувчи боғловчиларнинг асосий қисми эргашган қўшма гаплар компонентларини боғланиш муносабатини ифодалаш учун қўлланади. Фақат қиёслашни ифодаловчи **als, wie** ва мақсадни ифодаловчи **um** боғловчилари гап бўлаклари ўртасидаги боғланиш учун хизмат қилади.

Эргаштирувчи боғловчилар маъно муносабатларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Аниқлаш боғловчилари** (Konjunktionen der Aussage): daß, ob.
2. **Пайт боғловчилари** (temporale oder zeitliche Konjunktionen): als, wenn, ehe, bevor, nachdem, seitdem, während, solange, sobald, so oft, bis.
3. **Сабаб боғловчилари** (kausale Konjunktionen): weil, da.
4. **Натижа боғловчилари** (konsekutive Konjunktionen): so, daß, als daß, daß.
5. **Мақсад боғловчилари** (finale Konjunktionen): damit, daß, auf daß.
6. **Шарт боғловчилари** (konditionale Konjunktionen): wenn, falls, wofern, im Falle daß, sofern.
7. **Чоғиштирув боғловчилари** (komparative oder vergleichende Konjunktionen): als, wie, als ob, als wenn, wie wenn, je-je, je-desto.
8. **Ҳолат боғловчилари** (Konjunktionen der Art und Weise): indem, ohne, daß.
9. **Тўсиқсиз боғловчилар** (konzessive oder einräumende Konjunktionen): obgleich, obschon, obwohl, obzwar, ob auch, wie auch, wenn auch, trotzdem.

Баъзи боғловчи сўзлар ўз вазифаларига кўра боғловчилар қаторига киради. Булар жумласига қуйидагилар киради:

1. Нисбий олмошлар: wer, was, der, welcher.
2. Нисбий равишлар: wo, woher, wohin, wie.

3. Олмош равишлар: wofür, worauf, womit, deshalb, deswegen, darum, daher.

Биз юқорида боғловчиларнинг функцияси бир-бири билан боғлаш бўлиб ҳисобланади деб қайд қилган эдик. Энди гап бўлақларининг боғланиши ҳақида фикр билдирмоқчимиз.

Бу ерда асосан гапнинг уюшиқ бўлақлари муҳим роль ўйнайди. Гапнинг уюшиқ бўлақлари деганда биз бир хил саволга жавоб бўлиб, бир хил синтактик функцияни бажариб, кетма-кет келган сўзларни тушунамиз. Бу сўзлар асосан икки хил боғланишга эга: 1) Боғловчилар. 2) Боғловчиларсиз.

Айрим ҳолатларда уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир гап доирасида ишлатилиши мумкин. Агарда уюшиб келаётган гап бўлақлари бир нечта бўлса улар олдин боғловчисиз ва охирида боғловчи ёрдамида боғланиши мумкин. Қиёсланг:

Hamburg! Das ist mehr als ein Haufen Steine, Dächer Fenster, Tapeten, betten, Straßen, Brücken und Laternen (W.Borcher. Hamburg. S. 36).

Немис тилида қуйидаги гап бўлақлари бир-бири билан боғланиб, гапнинг уюшиқ бўлақларини ҳосил қилиши мумкин:

1. Ягона бир кесимга эга бўлган икки ва ундан ортиқ эга:
Vater, Mutter und Sohn saßen um den Tisch (B.Uhse. Die Patrioten. S. 121).

2. Ягона бир эга бўлган икки ва ундан ортиқ кесим:
Der Alte erhob sich, trat an den Tisch, schnitt sich Brot und gab auch dem Jungen ... (E.Claudius).

Кесим уюшиб келганда унга тегишли бўлган ўзгарувчи қисм (Hilfsverb, Kopula, Modalverb u.a.) фақат бир марта ишлатилади. Қиёсланг:

1. Becker sah Klemms Gesicht im Fahrspiegel. Es war gutmütig und immer noch jung. (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 242).

2. Diese Orgel konnte mehr als ein Mensch, sie konnte flüstern, seufzen, schluchzen, schreien, wimmern, lachen, weinen, frohlocken und jubeln (B.Kellermann).

3. Икки ва ундан ортиқ тўлдирувчи:

Er rief seine Frau und ein paar Nachbarn (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 216).

4. Икки ва ундан ортиқ аниқловчилар. Бу ерда аниқловчилар аниқланмиш сўз билан мослашган ёки мослашмаган бўлиши мумкин:

1. Er ist so ein bescheidener und taktvoller Mensch (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 342).

2. ... die Renten für die Kriegsoffer, für die Alten, die Witwen und Waisen wurden brutal gekürzt (O.M.Graf).

5. Битта эга ёки тўлдирувчи қошидаги аниқловчи:

1. Verschwommen steht sekundenkurz Bella vor ihm, mit ganz großen Augen und halboffenem Munde (W.Bredel. Die Väter. S. 324).

2. Frisch und in bester Laute betrat sie ... die Veranda.

6. Кесимга боғлиқ бўлган икки ва ундан ортиқ ҳол:

1. Nicht auf dem Platz von El Hel, aber in den Zimmern umher und in den Gängen waren die Schüsse gehört worden.

2. „Sonntag nacht oder Montag früh bin ich zurück“.

3. Der magere Herr Mitius hatte mit Überzeugung und eindringlich geredet, jetzt wartete er auf die Gegensprecher.

Ушбу мисолларимизнинг биринчисида ўрин ҳоли, иккинчисида пайт ҳоли ва учунчисида ҳолат равиши уюшиб келган. Юқорида келтирилган мисолларда асосан **und** боғловчиси ишлатилган. У уюшиқ бўлаклар орасида энг сермахсулидир. Бироқ бадий адабиётдан тўпланган мисоллар орасида бошқа боғловчилар ҳам гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилишини кўрсатади. Қиёсланг:

1. Herman kehrte **nicht** mehr zu Brentens zurück, **sondern** zog zu ihren Eltern (W.Bredel. Die Enkel. S. 171).

2. Pauline hatte kein Wort erwidert sich **aber** sehr gewundert (Eben da. S. 156).

3. **Weder** Küppers **noch** sein Wohnungsnachbar Henschke warteten auf das Entwertungssignal (B.Uhse. Die Patrioten. S. 256).

4. Die Operation war schwer gewesen, **jedoch** gut verlaufen (W.Bredel. Die Väter. S. 244).

5. Dann schritt er mit Herrn Grünlich, der sich **bald** vor ihm, **bald** hinter ihm bewegte.

Булардан ташқари гап бўлаклари қиёс маъносига эга бўлса, *wie*, *als* боғловчилари ишлатилади. Қиёсланг:

1. Das Linoleum auf dem Boden war **glatt wie** ein Spiegel.

2. Er verlor das Gefühl für Zeit **wie** am gestrigen Abend. (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 344).

3. Der Frühling war gekommen, später, aber auch rascher und freudiger als gewöhnlich.

Гап таркибида мақсад ҳоли бўлганда уларни боғлаш учун „um ... zu“ группаси ёки *dazu* ва *wozu* олмош равишларидан фойдаланилади. Қиёсланг:

1. Ein paar Meter vor dem französischen Wachtposten stand ein einheimischer Polizist, der hob die Hand, um das Auto anzuhalten (A.Seghers. Die Väter. S. 252).

2. „Wir haben keine Zeit zu streiten“, sagte er, „und dazu bin ich auch nicht hergekommen“.

БИРИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Сўзларнинг бирор туркумга мансублигини аниқлаш ва кўрсатишда уларнинг лексик морфологик ва синтактик белгилари, қандай сўроққа жавоб бўлиши асос қилиб олинади.

Ҳар бир туркумга кирувчи сўзлар бир қатор умумий белгиларга эга

Тилдаги сўзларни туркумларга ажратишга бўлган қизиқиш узок ўтмишга эга. У бугунги кунгача тўлиқ маънода ўз ечимига эга эмас. Бунга сабаб олимлар орасида ягона бир критериянинг йўқлигидир. Бунинг натижасида турли хил сўз туркумлари қайд этилади. Қадимги немис тили даврида сўз туркумлари 9 ёки 10 гуруҳга ажратилган. Бу соннинг икки хил бўлишига сабаб айрим тилшунослар ўша даврда артиклни сўз туркумлари жумласига киритган бўлса, бошқалари эса уни инкор этишган.

Сўзларни туркумларга ажратиш эркинлигини ишлаб чиқишда Г.Глинц, Дуден, И.Эрбен, В.Юнг, Л.Р.Зиндер, Т.В.Строева, Е.И.Шендельс, Е.В.Гулига, М.Д. Натанзон, О.И.Москальская, Т.З. Мирсоатов каби олимларнинг ҳиссаси катта.

Немис тилида боғловчилар бошқа ёрдамчи сўз туркумлари каби ўзгармайдиган сўзлардир. Улар мустақил гап бўлани вазифасида келмай, балки гап бўлаклари ёки қўшма гап ичидаги содда гапларни ўзаро бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлардир.

Ҳозирги замон немис тилидаги боғловчиларнинг турини аниқлашда тилшунослар орасида ягона фикр йўқ, улар боғловчиларни тузилишига ва ишлатилишига кўра турларга ажратишади. Тузилишига кўра айрим олимлар (М.Г.Арсеньева ва бошқалар) боғловчиларни 4 гуруҳга ажратишса, бошқалари (И.А.Ҳакимов, Т.З.Мирсоатов) 3 гуруҳга ажратишади.

Боғловчилар маъно жиҳатдан иккига ажратилади: бир маъноли ва кўп маъноли боғловчилар.

Булардан ташқари боғловчилар ифодаляйдиган синтактик алоқаларнинг хусусиятига кўра икки катта гурпуага бўлинади: 1) Тенг боғловчилар; 2) Эргаштирувчи боғловчилар.

Грамматик муносабатлари ўзаро тенг бўлган уюшиқ бўлақларни ё айрим гапларни бириктирувчи боғловчилар тенг боғловчилар дейилади. Тенг боғловчилар гапнинг уюшиқ бўлақларини ва қўшма гап таркибидаги гапларни боғлаш учун хизмат қилади.

Тенг боғловчилар маъно муносабатига кўра – бириктирувчи, зидловчи, сабаб – натижа ва айирувчи каби тўрт группага бўлинади.

Немис тилида баъзан равиш ва олмош-равишлар ҳам тенг боғловчилар функциясини бажариб келади. Улар сўз тартибига таъсир қилмайди.

Эргаштирувчи боғловчиларнинг асосий қисми қўшма гап компонентларини бир-бири билан бирлаштириш учун хизмат қилади. Фақат киёслашни ифодаловчи **als, wie** ва мақсадни ифодаловчи **um** боғловчилари гап бўлақларини боғлаш вазифасини бажаради.

Немис тилида эргаштирувчи боғловчилар маъно муносабатларига кўра 9 турга ажратилади. Баъзан нисбий олмошлар, нисбий равишлар ва олмош-равишлар ҳам эргаштирувчи боғловчи функциясини ўтайди.

Боғловчиларнинг уюшиқ бўлақларни бир-бири билан бирлаштиришдаги хизмати ўзига хосдир. Бу борада эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳолнинг барча турлари уюшиб келиши мумкин. Демак, боғловчилар гапнинг исталган бўлагини бириктириш хусусиятига эга.

II БОБ. ҚЎШМА ГАП КОМПОНЕНТЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ СЎЗЛАР

Биз ишимизнинг биринчи бобида боғловчилар гап бўлаклари ва қўшма гап компонентларини боғлаш учун хизмат қилишини қайд этиб, унинг гап бўлаклари доирасидаги функцияси ҳақида атрофлича тўхталган эдик. Энди бу бобда боғловчи сўзларнинг қўшма гап компонентларини бир-бирига боғлашдаги ролини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Мазмуни, грамматик тузилиши ҳамда интонациясига кўра бир бутунликни ташкил этган боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида бириккан конструкциялар қўшма гапни ташкил этади. Бундай гаплар турли боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида, ёхуд турлича интонация билан ўзаро бирикади.

Охирги пайтлар тилшунослар немис тилидаги қўшма гапларни маълум мазмун муносабатларини ифодалаши, грамматик белгилари, тузилиши ва интонациясига кўра уч типга бўлишмоқда:

1. Боғланган қўшма гаплар.
2. Эргаш гапли қўшма гаплар.
3. Боғловчисиз қўшма гаплар

Ишимизнинг мақсади боғловчиларни ўрганиш бўлганлиги сабабли энди биз қўшма гапларнинг фақат дастлабки икки турини ўрганиш билан чегараланамиз.

2.1. БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ БОҒЛАНИШИ ҲАҚИДА

Боғланган қўшма гаплар деб ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида бириккан, мазмуни ва тузилишига кўра бир бутунликни ташкил этган қўшма гап турларига айтилади.

Олдин кўрсатиб ўтганимиздек, мустақил содда гаплар ва боғланган қўшма гап компонентлари бир-бирига тузилиш жиҳатдан жуда ўхшаш бўлиб, уларни бир-биридан кескин фарқлаш анча қийин. Аслида мустақил гаплар грамматик жиҳатдан автосемантик бўлиб, боғланган қўшма гап компонентлари

синсемантик характерга эга бўлиши керак. Бироқ боғланган қўшма гапнинг грамматик жиҳатдан синсемантлиги жуда юзакидир.

Боғланган қўшма гапнинг грамматик синсемантиклиги қуйидагиларда кўринади:

а) график жиҳатдан, боғланган қўшма гапнинг биринчи компоненти охирига нукта қўйилмасдан, вергуль ёки нукта вергуль қўйилишида. Айрим пайтлар тире ёки икки нукта қўйилади. Буларнинг барчаси гапнинг ҳали тугалланмаганини, давоми борлигини кўрсатади. Натижада навбатдаги компонент бош ҳарф билан эмас, балки кичик ҳарф билан боғланади;

б) боғланмаган қўшма гапнинг биринчи компоненти ниҳоясида интонация тушмасдан, кўтарилиб кейинги гапга боғланиб кетиши;

в) логик-грамматик жиҳатдан боғловчи сўзларнинг мавжудлиги.

Ушбу белгилардан учунчиси, яъни боғловчилар факультатив характерга эга. Ритмик-оҳанг оғзаки нутқда графика эса ёзма нутқда синсемантликни белгилашда асосий роль ўйнайди.

Ҳозирги замон немис тилида боғловчилар ҳам элементар гапларни бир-бири билан боғлаб, боғланган қўшма гапларни ҳосил қилишда ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Чунки айрим боғловчилар ҳам содда мустақил гапларни, ҳам боғланган қўшма гап компонентларини бошқариб келади. Қиёсланг:

1. Die Bastille war gestürmt, **aber** vor den Toren der Stadt standen die Truppen des Königs (W. Bredel. Die Söhne. S. 264).

2. Franz war der Sohn eines armen Schumachers, eines Kränklichen mürrischen Mannes, der nicht über Politik reden mochte. **Aber** zuweilen erzählte sein Vater vom Kriege (B. Balazs).

3. „Sie kommen her!“ keucht Liese. „Sie sind schon im Haus!“. Und sie rennt weiter (Eben da. S. 116).

Немис тилидаги боғланган қўшма гапнинг компонентлари бир-бири билан боғловчисиз боғланса *asyndetische Beiordnung*, боғловчи орқали боғланган бўлса *Syndetische Beiordnung* деб юритилади. Агарда элементар гаплар параллель боғловчилар билан боғланган бўлса, *polysyndetische Beiordnung* деб аталади.

Тилда бу хилдаги боғланишлар тўртасига кескин бир чегара қўйиб бўлмайди. Ҳатто биргина боғланган қўшма гапнинг компонентлари галма-гал турли йўллар билан боғланиб ҳам келади. Қиёсланг:

Da schrumpften ihre Beine ein und wurden dünn und rot, die schönen gelben Pantoffel des Kalifen und seines Begleiters wurden unförmliche Storchfüße, die Arme wurden zu Flügeln, der Hals fuhr aus den Achseln, und ward eine Elle lang, der Bart war verschwunden, und den Körper bedeckten weiche Federn (W. Hauff. Märchen. S. 341).

Ҳозирги замон немис тилида боғланган қўшма гап компонентларини бириктирувчи боғловчилар масаласи анча баҳсли, ноаниқ бўлиб ҳисобланади. Бир томонлама қараганда бир талай равиш-олмошлар боғловчи функциясини бажариб келади (da, dann, darauf, dabei, daraus кабилар).

Иккинчи томондан, ушбу сўзлар лексик маъно кашф этиб, маълум бир гап бўлаги сифатида ҳам намоён бўлади. Улар одатда ҳол функциясини бажариб келади. Қиёсланг:

Die Konsulin nahm die Karte, rückte ihre Brille zurecht, denn sie trug bei der Handarbeit eine Brille, und las. Dann blickte sie wieder zu dem roten Gesichte des Mädchens empor, las abermals und sah aufs Neue das Mädchen an. Schließlich sagte sie freundlich, aber bestimmt ... (Th. Mann).

Бу ерда иккинчи гап **dann** сўзи билан бошланган. У бир томондан олдинги гап билан пайт маъноси билан боғлаш функциясини англатса, иккинчи томондан у синтактик жиҳатдан пайт ҳоли функциясини бажариб келган. Худди шу нарсани **schließlich** сўзига нисбатан ҳам айтиш мумкин. У бир томондан икки ён гапларни замон нуқтаи назардан боғлаш учун хизмат қилса, иккинчи томондан пайт ҳоли вазифасини ҳам ўтаб келади. Бу сўзларнинг иккинчи даражали бўлак функциясини ўтаб келишини, улардан кейин бевосита кесимнинг турганлиги ҳам кўрсатиб келмоқда (dann, blickte ..., schließlich sagte ...).

Бу нарсани биз **und** ва **aber** боғловчиларига нисбатан айта олмаймиз. Чунки улар алоҳида бир гап бўлаги функциясини бажариб келаолмайди. Шунинг учун улардан кейин яна бир қандайдир сўз туриб, у гап бўлаги функциясини бажариб келиши лозим. Масалан:

Es schellte gellend in diesem Augenblick, und sofort begannen die Schüler von allen Seiten zu den Eingängen zusammenzuströmen (Th.Mann).

Демак, боғланган кўшма гап компонентларини бирлаштириб келувчи сўзларнинг фақат боғловчи функцияда ёки гап бўлаги сифатида ҳам келишини белгилаш учун уларнинг тутган ўрнига эътибор қаратиш лозим.

Энди бевосита боғланган кўшма гап компонентларини боғловчи сўзлар ҳақида фикр юритамиз. Бу боғловчи сўзларга немис тилида тенг боғловчилар, олмош ва равишлар киради. Тенг боғловчиларга қуйидагилар киради:

а) Туб боғловчилар: und, aber, oder, denn usw.

б) Икки бўлакчи боғловчилар: nicht nur – sondern auch, weder – noch.

в) Бошқа бир боғловчи ёки равиш орқали оширилган боғловчилар: und auch, und dennoch, aber auch usw.

Равишлар боғлама функциясини ўтайди: also, folglich, allerdings, freilich, nämlich, zum Beispiel, überhaupt, endlich, schließlich, zugleich, hierauf, nachher, sodann, dann u.a. Қиёсланг:

Er gab einen kurzen Abschied, dann entfernte er sich mit raschen Schritten.

Peter ging ganz langsam zurück, dabei späte er scharf nach den Fenstern hin.

г) Кўрсатиш олмошлари: der, derselbe, dieser, jener, das. Олмош равишлар: dadurch, damit, davon u.a. Қиёсланг:

Endlich erhielt ich einen Brief von dir, darauf habe ich lange gewartet.

Кўпинча олдинги гапдаги равишлар коррелат вазифасини бажариб кейинги гапнинг боғланишини таъминлайди. Улар жумласига қуйидагилар киради: zwar, wohl, allerdings, freilich, schon, eben, gerade, noch, dann, kaum u.a.

Ich war **eben** im Begriff zu die zu gehen, **da** bekam ich Besuch.

Noch war die Sonne nicht aufgegangen, **da** befand ich mich **schon** unterwegs.

Kaum war eine Gefahr überstanden, **da** drohte ihm eine neue.

Англлатган маъносига кўра боғланган кўшма гапларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Бириктирувчи боғланган кўшма гаплар. Бу гапларнинг компонентлари пайт ёки ўрнига нисбатан ўзаро боғлиқ бўлади. Уларни und, auch, yudem, au-erdem, noch, dann, darauf, hierauf, nachher, ferner, erst, dabei, daneben, dayu, hernach, sogar, sodann, zwar, nämlich, zugleich, besonders, zum Beispiel боғловчи сўзлар боғлаб келади. Қиёсланг:

1. Er drückte uns den Koffer in die Hand, und wir gingen nach Hause.

2. „Ich soll dir da was bringen“, sagte sie, „außerdem soll ich dir sagen: du mußt morgen um halb sechs an der Anlegestelle in Mainz sein“ (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 149).

Қўшма гапнинг бу тури баъзан қўшалок боғловчилар орқали ҳам боғланган бўлади: sowohl – als auch, nicht nur – sondern auch, erstens – zweitens, bald – bald, teils – teils, weder – noch. Улардан дастлабки иккаласи сўз тартибига таъсир этмайди, қолганларининг таъсири бор. Erstens – zweitens сўзлари гап бошида ажратилган ҳолда учрайди. Қиёсланг:

1. ... einerseits wollte er hart und kraftvoll sein, andererseits hatte er Angst vor dem Urteilspruch des großen Arztes.

2. Der Schneefall hatte nicht nur aufgehört, sondern der Schleier an dem Himmel fing auch an, sich zu verdünnen.

Бириктирувчи боғланган қўшма гаплар турли хил маъноларни англатиб келади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

a) Gleichzeitigkeit:

Das Wasser glitzerte, der Jasmin atmete seinen scharfen schwülen Duft, die Vögel zwitscherten ringsumher in den Baumen (Th. Mann. Novellen. S. 144).

b) Zeitliche Folge:

Ein Jüngling hatte ein Mädchen lieb,

Sie flohen Beinlich von Hause fort,

Es Wußt weder Vater noch Mutter.

Sie sind gewandert hin und her,

Sie haben gehabt weder Glück noch Stern,

Sie sind Verdorben, gestorben (H.Heine).

c) Erläuterung des ersten Satzes durch den zweiten: Wir wandten das neueste verfahren an, wir trieben nämlich den Druck auf 20 Atmosphären.

d) Ergänzung oder Verstärkung des ersten Satzes durch den zweiten.

Die Hand ist nicht nur das Organ der Arbeit, sie ist auch ihr Produkt.

2. Зидловчи боғланган қўшма гаплар. Бу ерда иккинчи гап олдингисининг мазмунига зид қўйилади. Бу ерда боғловчи функциясини aber, doch, allein, dagegen,

dennoch, vielmehr, hingegen, jedoch, oder, trotzdem, dessen ungeachtet, sonst, freilich, wohl, zwar, allerdings, nicht – sondern, entweder – oder каби сўзлар ўтаб келади.

Барча боғловчи сўзлар гапнинг бошида ёки ўртасида келади. Фақат sondern ва oder боғловчилари гапнинг бошида туради. Боғловчилардан aber, oder ва sondern сўз тартибига таъсир этмайди. Қолганлари эса сўз тартибини ўзгартиради. Қиёсланг:

1. Sie hatte die Fenster ihrer Wohnung weit geöffnet, dennoch gab es kaum Durchzug (W.Bredel. Die Vater. S. 134).

2. Der sommersprossige Pilot wollte sich schweigend zum Gehen wenden, doch zögerte er dann, blieb noch einmal stehen (B.Uhse. Die Patrioten. S. 246).

3. „Wer ist der Herr der Karawane?“ fragte der Reiter. „Sie gehört nicht einem Herrn“, antwortete der Gefragte, „sondern es sind mehrere Kaufleute, die von Mekka in ihre Heimat ziehen“ (W.Hauff. Märchen. S. 46).

Зидловчи боғланган қўшма гапларда маъно жихатдан бир иккинчисига зид бўлади ёки чегаралаб қўяди. Қиёсланг:

1. Zu Göttingen blüht die Wissenschaft **Doch** bringt sie keine Früchte.

2. Am Rande des Mühlenkamps angelangt, wollen beide den Platz überqueren, doch drei Männer stellen sich ihnen in den Weg (W.Bredel. Die Väter. S. 148).

3. Сабаб боғланган қўшма гаплар. Бу каби гапларда бир гап иккинчисида содир бўладиган воқеа-ҳодисанинг содир бўлиш сабабини ифодалаб келади. Уларда denn, doch, ja, nämlich каби боғловчилар иштирок этиб, улар гап ўртасида келади. Doch одатда гапнинг бошида, denn ҳам гап бошида келсада, у сўз тартибига таъсир қилмайди. Қиёсланг:

1. Die französische Metrik hat gewiß Prokrustes erfunden, denn sie ist eine wahre Zwangsjacke für Gedanken (H.Heine. Ideen. S. 36).

2. Zwar weiß ich viel, doch möchte ich alles Wissen.

4. Натижа боғланган қўшма гаплар. Бу ерда иккинчи гап биринчи гапда содир бўлган воқеа-ҳодисанинг натижасини ифодалаб келади. Бу каби гаплар ўзаро also, folglich, demnach, somit, daher, darum, deshalb, deswegen каби боғловчилар орқали боғланган бўлади.

Ушбу боғловчи сўзлар сўз тартибини ўзгартирмайди. Қиёсланг:

1. Die Partei hatte eine Genossin zu ihnen geschickt, also war sie bei ihnen zu Hause.

2. Friede Brennten wollte niemanden kränken oder verärgern, deshalb sprach sie oft den Menschen nach dem Mund (W.Bredel. Die Söhne. S. 154).

Боғланган қўшма гаплар доирасида ишлатиладиган боғловчи сўзлар хақида айтилган фикрларни умумлаштириб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Und, denn, allein, aber боғловчилари сўз тартибига таъсир қилмайди.
2. Oder ва sondern боғловчиларидан кейин гап тўғри сўз тартибига эга.
3. Агарда dann, darauf, endlich, daher, darum, deshalb, deswegen боғловчи-равишлар гап бошида турса, кесим улардан кейин келади.
4. Entweder, doch ва jedoch боғловчилари билан сўз тартиби икки хил кўринишга эга. Баъзан улар сўз тартибига таъсир этса, баъзан таъсир этмайди.
5. Und, denn, doch, allein, oder, sondern, noch (weder ... noch таркибида) боғловчилари ҳар доим гап бошида келади.
6. Aber, auch, jedoch боғловчилари ҳамда равишлар гап бошида ёки гап ўртасида келади.
7. Nicht nur ... sondern auch, teils ... teils, bald ... bald каби қўшалок боғловчиларнинг биринчи қисми гап бошида унинг давоми эса гап ўртасида келади.
8. Nämlich боғловчиси ҳар доим гап ўртасида келади.

2.2. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП КОМПОНЕНТЛАРИНИ БОҒЛОВЧИ СЎЗЛАР

Эргаш гапли қўшма гаплар фикран нисбий мустақилликка эга, лекин ўзаро мазмун ва интонация жиҳатдан бир бутунликни ташкил этадиган гаплар бўлиб ҳисобланади.

Улар гапнинг бошқа турларидан (соғда, боғланган қўшма гап) ўзининг бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Эргашган қўшма гап икки ва ундан ортиқ бўлган қисмлардан иборат. Улардан бири грамматик нуқтаи назардан ҳоким, қолгани (ёки қолганлари эса унга тобе бўлиб ҳисобланади [Гулыга, 1971: 21]).

Грамматик тобелик энг аввало эргаш гап составида бир ёки бир нечта тобелик аломатларининг мавжудлигида кўринади. Бу аломатлар қаторига эргаштирувчи боғловчилар, нисбий олмошлар, сўз тартибидаги ўзгаришлар, конъюнктив ва ритмик интонацион ўзгаришлар киради. Энг охирги кўрсаткич универсал характерга эга.

Ритмик оҳанг жиҳатдан эргаш гап эргашган қўшма гапнинг ажралмас бир қисми сифатида барча алоҳида олинган содда гаплардан фарқ қилади. Бу жиҳатдан эргаш гап бош гапнинг оҳангини давом эттиради ёки унга хотима ясайди.

Шунингдек, тобелик аломати сифатида боғловчи ва нисбий олмошлар кенг қўламда иштирок этади. Бироқ бир қатор эргаш гапларда немис тилида боғловчи ёки боғловчи вазифасини бажарувчи сўзлар иштирок этмаслиги мумкин. Улар жумласига боғловчисиз тўлдирувчи эргаш гаплар (*Der Student meint, er sei glücklich*), препозицияда турган шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар (*Kommst du, so bin ich froh. Ist sie auch krank, so kommt er doch, ganz gewiß*) киради. Бундан ташқари эргаштирувчи боғловчилар баъзан, нисбий олмошлар эса кўпинча грамматик жиҳатдан бир хил эмас. Чунки улар бошқа синтактик функцияларни ҳам бажариши мумкин. Масалан, маъносига эга бўлган **damit** боғловчиси ўз-ўзидан равиш функциясини ҳам бажариб келиши мумкин. Нисбий олмошлар эса кўпинча тузилишига кўра кўрсатиш олмошларига омоним бўлиб келади. Шунинг учун ҳам эргаштирувчи боғловчилар ва нисбий олмошлар ҳамма вақт ҳам ягона тобелик аломатига эга бўлиб кела олмайди. Уларга яна бошқа белгилар ҳам тобеликни кўрсатишда ёрдамчи бўлиб келади. Биринчи навбатда бу ерда оҳанг ва сўз тартиби кўмакчи белгилар бўлиб келишини кўрамиз. Булардан ташқари баъзи ҳолларда бош гапдаги айрим грамматик белгилар ҳам тобеликни кўрсатиб келади.

Немис тилида тобеликни кўрсатувчи энг кучли белги бу гапда сўз тартибидир. Кўпгина эргаш гапларда кесимнинг ўзгарувчи қисми энг охириги ўринни эгаллайди. Қиёсланг:

1. Da Reinhard wider seine Gewohnheit nicht antwortete, so wandte sie sich um.
2. Kein Wort des Vorwurfs traf sie, obgleich sie sich um zwanzig Minuten verspätet halten.

Sich олмоши билан келган ўзлик феълларида кесимнинг ўзгарувчан қисми гапнинг охирида келсада, **sich** олмоши ўз ўрнини ўзгартирмасдан гапнинг бошида келади. Агарда гапнинг эгаси от билан ифодаланган бўлса, ундан олдин, олмош билан ифодаланганда эса ундан кейин туради. Қиёсланг:

1. „Do hörte ich beim Bedeuten au, wie sich zwei Gäste von Tisch zu Tisch unterhielten ...“ (A.Seghers).

2. Zwei Minuten später empfahl sich Herr Friedemann. Als er sich an der Tür noch einmal verlegte, begegnete er ihren Augen.

Ғақат айрым ҳоллардагина немис тили эргаш гапларига хос бўлган сўз тартиби (кесимнинг гап охирида келиши) қоидага бўйсинмаслиги мумкин:

1) Шарт ва боғловчисиз боғланган эргаш гапларда кесимнинг ўзгарувчи қисми гапнинг бошида келади:

1. Frieda Brennten wäre weniger unrichtig gewesen, **hätte** sie die Kinder ich bei sich geholt.

2. War der Alte mit seinen Söhnen Ludwig und Otto gegangen, **hätte** Frau Harde Kopf wieder ins Bett Krücken können; doch sie dachte nicht daran.

2. Боғловчисиз боғланган эга, тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гаплардаги сўз тартиби оддий содда гапларникидан фарқ қилмайди, яъни кесимнинг ўзгарувчан қисми иккинчи ўринда туради.

1. Es war ihm gesagt worden, er hätte um des da und zu sein.

2. Er überzeugte sich, seine Gedanken waren richtig gewesen.

3. Als боғловчиси орқали боғланган қиёс эргаш гапларда кесимнинг ўзгарувчан қисми бевосита боғловчидан кейин келади:

4. Агарда эргаш гапнинг кесими бирон бир модал феъл орқали ясалган бўлса, кесимнинг ўзгарувчи қисми ўзгармас қисмидан олдин туради:

1. Herr Grünliches Bewegung war allzu groß, als daß er diesen Einwürge hätte bemerken können.

2. Der Vater deutete auf den Rucksack, den ich hatte fragen müssen...

Кўриниб турибдики, немис тилидаги эргаш гаплардаги тобеликни сўз тартиби ҳам “автоматик” тарзда кўрсатувчи ягона белги бўлиб кела олмас экан. Чунки биз юқорида баъзи эргаш гаплардаги сўз тартибининг содда ва бош гаплардаги сўз тартиби билан тўлиғича мос келиш ҳолатларига дуч келдик. Агарда эргаш гапларда кесимни биринчи ўринга қўйсақ, у ҳолда бу гаплар содда ва бош гаплар билан сўз тартиби жиҳатдан омоним бўлиб қолади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, немис тилида эргаш гапларнинг тобелигини кўрсатишда сўз тартиби муҳим рол ўйнасада, у гапнинг эргаш гап эканлигини белгиловчи ягона восита бўла олмайди. Шунинг учун ҳам сўз тартиби тобеликни кўрсатувчи яна бошқа белгиларнинг ёрдамига мухтож. Бундай белгилар жумласига –

сўз тартиби, конъюнктив, ритмик-интонация, шунингдек бош гапдаги айрим ўзгаришлар киради.

Немис тилидаги нутқ жараёнига боғлиқ бўлган феъллар ёрдамида ясалган тўлдирувчи эргаш гапларда конъюнктив тобеликни кўрсатувчи асосий белги бўлиб ҳисобланади. Бу нарсани биз нореал орзу-истак маъносидаги гапларда ҳам кўрамиз. Тўғри, бу хилдаги гапларда конъюнктивнинг ишлатилишида айрим иккиланишлар ҳам учрайди. Лекин бундан қатъий назар конъюнктив бундай гапларда тобеликни кўрсатувчи асосий белгилардан бири сифатида намоён бўлади. Айниқса гап составида тобеликни кўрсатувчи бошқа белгилар бўлмаган ҳолатда конъюнктив асосий рол ўйнайди. Бу нарса айниқса боғловчисиз боғланган эргаш гапларда яққол кўринади.

Эргаш гап составидаги барча тобелик белгилари уни бош гапга нисбатан на фақат грамматик, балки семантик жиҳатдан ҳам тобе қилиб қўяди. Натижада тилшуносликда эргаш гапларга нисбатан “синсемантик” деган тушунча пайдо бўлди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, синсемантик тушунчаси кейинги тадқиқотларда бош гапга нисбатан ҳам ишлатиладиган бўлди. Чунки олимлар ўз тадқиқотларида эргашган қўшма гаплар доирасидаги на фақат эргаш гап, балки бош гапга ҳам грамматик жиҳатдан синсемантиклик хусусиятига эга деган хулосани келтириб чиқарадиган бўлишди.

Е.В.Гулыга ўз тадқиқотларида бундан ташқари “автосемантик” деган тушунчани ҳам киритди. У ўз компонентлари билан мустақил содда гаплар сифатида тилда қўллана оладиган гапларга нисбатан “нисбий автосемантик” гаплар деган терминни ишлатишни таклиф этди. Бу жиҳатдан бош гапларнинг анчагина қисми нисбий автосемантик бўлиб ҳисобланади. Уларнинг тўлиқ маънода грамматик маънода автосемантик бўлишига содда гапларга хос бўлган ритмик-оҳанг жиҳатдан мустақилликнинг йўқлиги тўсқинлик қилади. Бундан ташқари кўп ҳолларда бош гапнинг грамматик жиҳатдан тўлиқ автосемантик бўла олмаслигига қуйидаги факторлар ҳам сабаб бўлади.

1) Бош гап составида керакли бир ва ундан ортиқ гап бўлақларининг етишмаслиги. Чунки бу бўлақлар эргаш гап орқали ўз ифодасини топган бўлади.

2) Бош гап составида унинг эргаш гап билан бўлган муносабатини белгиловчи корреллатнинг мавжудлиги.

3) Эргаш гапнинг бош гапга нисбатан қатъий бир ўринда келиши.

Бу факторларнинг биринчи ва учунчиси ҳар доим намоён бўлади. Жумладан, “Was du sagst, ist richtig” гапида эргаш гап бош гапдан олдин келиб, бош гапнинг эгаси вазифасини бажариб келмоқда. Бош гапни эргаш гапдан ажратиб бўлмайди. Акс ҳолда у чала, тузилиш жиҳатдан тўлиқ бўлмай қолади. Худди шунингдек „Weil du kommst, werden wir alles in Ordnung bringen“ кўринишидаги эргашган қўшма гапда сабаб эргаш гап биринчи ўринни эгаллаб, уни бош гапдан ажратиб бўлмайди, акс ҳолда эргашган қўшма гап ўз тўлиқлигини йўқотади ва бу билан немис тили қонунияти асосида дарак гапларга хос бўлган лексик-грамматик тузилиш бузилади.

Иккинчи кўрсаткич бўлган – коррелат ҳар қандай эргашган қўшма гаплар составида келавермайди. Чунки у на фақат эргашган қўшма гаплар, балки инфинитив конструкцияларга ҳам хосдир. Қиёсланг:

Es freut mich, daß ich dich gesehen habe. – Es freut mich, dich gesehen zu haben.

Шунингдек муайян бир оҳангда гап ўқилганда коррелат деб ҳисобланган сўз олмош ёки кучайтирувчи сўзга айланиб келиши мумкин. Қиёсланг:

Ich habe mich so gefreut – гапида урғу so – га берилса гап тугалланганлик характерини кашф этиб, у бу ерда “жуда” деган маъносига эга бўлади. Шундай қилиб айтиш мумкинки, коррелатларнинг англатган маъноси ва улар бажарадиган функцияси гапнинг ритмик-оҳангига боғлиқ экан.

Эргаш гапларда бир қатор тобелик аломатларининг (сўз тартиби, эргаштирувчи боғловчилар) мавжудлиги сабабли уларда нисбий автосемантлик ҳолати жуда кам учрайди. Бу юқорида қайд этилганидек, боғловчисиз тўлдирувчи эргаш гапларда (конъюнктив ўрнини индикатив эгаллаганда) ва бош гапдан кейин келган натижа эргаш гапларда учрайди. Масалан:

Sie sagte, die Arbeit ist zu Ende.

Юқорида баён қилинганлар эргаш гапли қўшма гапларда қўшма гапни ҳосил қилувчи компонентларнинг тобе-ҳоким муносабатда бўлишини кўрсатади. Энди ушбу компонентларни боғлашда қанақанги сўзлар хизмат қилиши устида тўхталамиз.

Ҳозирги замон немис тилида боғловчи сўзларга қуйидагилар киради:

1) Weil, als, ob, daß, obwohl. Wenn, so daß, sobald, während, nachdem каби эргаштирувчи боғловчилар. Қиёсланг:

1. Das Manuskript mußte in letzter Minute in den Hafen geworden werden, weil der Matrose nur so einer Entdeckung entgehen konnte.

2. Obwohl ihm das Gehen schwer fiel, zerlegte er jeden kleinen Einkauf in winzige Kleinigkeiten (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 256).

3. Nachdem er eine Stunde in der Kälte gestanden hatte, begann er zu frieren.

2) der, die, das, welcher, welche, welches, wer, was каби нисбий олмошлар.

Қиёсланг:

1. Wer nicht hören will, muß fühlen.

2. Sie tat, ein Freund von ihnen, der sie versetzt hatte.

3. Er konnte ohne Brille den Gesichtern nicht anmerken, von welcher Art diese Behutsamkeit war (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S.19).

3) Wo, was, wie, warum, wohin, wann, weshalb каби нисбий олмошлар ўрнида қўлланадиган сўроқ олмошлари. Қиёсланг:

1. Jedenfalls nicht viel Kostbares im Hause hätten hatte er in der letzten größeren Stadt, **wo** er durch gereist.

2. Dabei dachte ich flüchtig, **warum** sie mir diese schwere hast auf die Reise mitgab (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 16).

3. Hardekopf wußte nicht, **wohin** er blicken sollte (W.Bredel. Die Väter. S. 226).

4) worauf, womit, wobei, woraus, wofür, woran каби нисбий олмош-равишлар билан. Қиёсланг:

1. Er fühlte sich feucht vor Ungemütlichkeit und zwar fest überzeugt, sein Aufbruch sei das einzige, **womit** er das junge Mädchen interessieren könne (H. Mann. Der Untertan. S. 225).

2. Funk horchte mehr als früher herum, **wofür** die Stücke in seiner Abteilung gefertigt wurden (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 16).

3. Ich schenkte ihr etwas, **woran** sie ihre Freude hatte (Eben da. S. 216).

Шундай қилиб айтиш мумкинки, эргаштирувчи боғловчиларнинг синтактик функцияси эргаш гапни бош гапга боғлашдир. Лекин нисбий олмошлар, нисбий равишлар ва нисбий олмош-равишлар икки синтактик вазифани бажаради. Биринчидан, улар эргаш гапни бош гапга боғласа, иккинчидан, уларнинг ҳар бири эргаш гапда маълум бир гап бўлаги функциясини ҳам бажаради.

Бош ва эргаш гапнинг бир-бири билан боғланишини янада кучайтириш учун баъзан бош гапда коррелат, яъни ўзидан кейин келадиган эргаш гапни кўрсатадиган махсус сўзлар қўлланади. Қуйидаги сўзлар коррелат бўлиб қўлланиши мумкин:

a) daran, darauf, darin, darüber, davon, dazu, daraus, dafür, dadurch каби олмош-
равишлар. Қиёсланг:

1. Von irgendwoher fiel der schien einer Laterne **darauf**, so daß feine Lichtbogen
entstanden.

2. Wenn es dir zu gewagt erscheint, laß uns **davon** absehen.

3. Ich wurde nicht klug **daraus**, ob ich es mit einer menschlichen Gesellschaft oder
mit redenden Tieren zu tun habe.

b) zu, es, so, desto кабиюкламалар: Қиёсланг:

1. Ich sehe ihr **zu**, als wäre sie schon die Nachwelt, die mich kennt (H.Mann. Der
Untertan. S. 146).

2. Das ist **es**, was wir Befreiung nennen.

3. Man wußte aber auch **so**, daß er einen nicht stubenreinen Ausdruck gebrauchte.

c) der, das, solcher, der jenige, jener es каби кўрсатиш олмошлари. Қиёсланг:

1. Hier knackt es, wenn du nicht schnell über diese dünne Stelle kommst. Und jetzt
passiert **das**, worüber ich mal mit einem erfahrenen Menschen sprechen muß. (H.Kant, Die
Aula. S. 18).

2. **Jener** besaß sie, der Entbehrende, denn sie sie im Einvernehmen mit ihrem
Verlobten zum Trost hatte zukommen lassen.

d) her, hierher, da, dort, dorthin, dahin каби ўрин равишлари. Қиёсланг:

1. Unsere Natur hängt sehr **dahin**, wenn wir nur einmal die Kraft haben.

2. In Wirklichkeit jedoch hat **da**, wo die selige Botschaft des Friedens verkündet
wurde.

Боғловчи вазифасини ўтовчи ҳар қайдай сўз ва коррелат эргаш гапли кўшма
гапнинг тўлиқ маънода шаклланиши учун хизмат қилади.

2.3. ЭРГАШ ГАП ТУРЛАРИНИ БОШ ГАПГА БОҒЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

Тилшуносликда эргаш гаплар турли хил нуктаи назардан классификация
қилинади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1) бош гап билан боғланиши усулига кўра;

2) бош гапга нисбатан тутган ўрнига кўра;

3) синтактик функциясига кўра.

Булар ичида учунчи классификация энг асосийси ва муҳими бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги замон немис тилида эргаш гаплар кўшма гап доирасида бажарадиган синтактик функциясига кўра қуйидаги турларга ажратилади:

1. Эга эргаш гаплар (Subjektsätze)
2. Кесим эргаш гаплар (Prädikativsätze)
3. Тўлдирувчи эргаш гаплар (Objektsätze)
4. Аниқловчи эргаш гаплар (Attributsätze)
5. Ҳол эргаш гаплар (Adverbialsätze)
 - 5.1. Ўрин эргаш гаплар (die Lokalsätze)
 - 5.2. Пайт эргаш гаплар (die Temporalsätze)
 - 5.3. Равиш эргаш гаплар (die Adverbialsätze der Art und Weise)
 - 5.4. Сабаб эргаш гаплар (die Kausalsätze)
 - 5.5. Миқдор эргаш гаплар (die Finalsätze)
 - 5.6. Шарт эргаш гаплар (die Konditionalsätze)
 - 5.7. Натижа эргаш гаплар (die Konsekutivsätze)
 - 5.8. Қиёс эргаш гаплар (die Komparativsätze)
 - 5.9. Тўсиқсиз эргаш гаплар (die Konzessivsätze)
 - 5.10. Миқдор-даража эргаш гаплар (die Restriktivsätze)

Ушбу эргаш гапларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга ва бош гапга боғланиш усулига эга. Шу боис энди эргаш гапнинг ҳар бир тури устида алоҳида тўхталамиз.

ЭГА ЭРГАШ ГАП

Немис тилида эга эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган эгани ёки қўлланмаган эгани изоҳлайди: Улар ким? (wer), нима? (was) каби сўроқларга жавоб бўлади ва бош гапга нисбатан ўрнига кўра (der stelle nach) бош гапдан кейин ёки олдин туради. Бош гапнинг эгаси es шахссиз олмоши (das unpersönliche) билан ифодаланади.

1. **Es** ist unsicher, ob er kommt.
2. Daß er arbeitet, ist für uns eine Frage.

Биринчи мисолда эргаш гап бош гапдаги эганинг, иккинчи мисолда эргаш гап бош гапда қўлланмаган эганинг маъносини конкретлаштириб келган.

Немис тилидаги эга эргаш гап бош гапга 1) wer, was, der, welcher каби сўроқ олмошлари ва 2) боғловчилар орқали боғланиши мумкин.

Сўроқ олмошлари предлог ёки предлогсиз турли хил келишида келиб эга эргаш гапни бош гапга боғлаб келиши мумкин. Қиёсланг:

1. **Wen** der Sergeant des Kommissars in sein Notizbuch eintrug, der fühlte sich ausgezeichnet. (W.Bredel).

2. **Was** er jetzt in die Finger bekam, war ohne Zweifel ein Gruß von Paul. (A.Seghers).

3. Es war kein Geheimnis, in wesen Auftrag unsere Maschinen liefen. (A.Seghers).

Эга эргаш гаплар шунингдек daß, ob, wenn, als каби боғловчилар орқали ҳам бош гапга боғланиб келиши мумкин. Булар ичида энг кўп қўлланадигани daß бўлса, кам ишлатиладигани als ва wenn боғловчилари бўлиб ҳисобланади. Қиёсланг:

1. „Daß du mich auch einmal besuchst, Frieda, freut mich ganz besonders“. (W. Bredel).

2. „Ob sie zufrieden sind, ist mir gleichgültig“. (W.Bredel).

3. Das Aufregendste war, **als** wir eines Tages in der Gärtnerei Bucher eine Höhle mit einem unterirdischen Gang entdeckten. (J. Becher).

Одатда бош гап составида es, der, die, das каби коррелатлар мавжуд бўлиб, булар ичида es кўп қўлланадигани бўлиб ҳисобланади:

Es war ihr nicht anzumerken, ob sie die Mutter der Kinder oder die ältere Schwester war. (A.Seghers).

Бош гапнинг кесими кўп ҳолларда от кесим бўлиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда баъзан кесимнинг ўзгарувчи қисми ва es коррелати тушириб қолдирилгани ҳам кузатилади. Қиёсланг:

1. Es war unmöglich, daß ihm etwas entging. (A.Seghers).

2. **Schade**, daß er nicht schwarz ist. (W. Bredel).

Немис тилида баъзан эга эргаш гаплар мазмун жиҳатидан аниқловчи эргаш гапга яқин туради. Қиёслаймиз:

Derjenige, der wagt, gewinnt. Wer wagt, gewinnt.

Бундай ҳолларда гапнинг фақат мазмунигина эмас, балки унинг грамматик белгисига, бош гап билан бирикиш воситасига ҳам эътибор бериш лозим. Wer wagt, gewinnt типигаги қўшма гапларда эргаш гапнинг эгаси бош келиши саволига жавоб бўлади. Шунинг учун ҳам бундай эргаш гапларни аниқловчи эргаш гап эмас, эга эргаш гап деб ҳисоблаш зарур. Кейинги мисолда эргаш гап der wagt – бош гапдаги предмет

нарсани эмас. Унинг сифатловчисини аниқлаб келади, шунга кўра уни аниқловчи эргаш гап деб ҳисоблаш зарур.

КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛАР

Эргаш гапларнинг бу тури ҳам эга эргаш гап сингари бош гап билан жуда ҳам яқин алоқада бўлади. Бош гап составида *es, das, der* каби коррелатлар келиб, эргаш гап ҳар доим ундан кейин келади. Эргаш гап бош гапга *der, was, wie, wofür* каби нисбий олмошлар орқали боғланиши мумкин:

1. Er ist durchaus nicht das, was man einen hübschen Burschen nennt ... (W.Bredel).

2. Der Kleine aber, der Heini, der war, wie ihn Röder beschrieben hatte. (A.Seghers).

Кесим эргаш гап шунингдек *daß, als, ob, als ob, wie wenn, als wenn* каби боғловчилар билан ҳам бош гапга боғланиши мумкин. Қиёсланг:

1. Nun, das Schlimme ist, **daß** Erika ein wenig zur Melancholie neigt ...

2. Der Abschied ist, **als ob** man ein Herz zerreiße.

2. *der, die, das, wer, was, wofür* каби нисбий олмошлар ва олмош—равишлар билан:

1. Er ist durchaus nicht das, was man einen hübschen Burschen nennt (W.Bredel. Die Söhne. S. 256).

2. Der Fluß ist nicht mehr, der er war.

ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛАР

Немис тилида тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга нисбатан тўлдирувчи вазифасини бажаради. Улар кимни? (*wen?*), нимани? (*wes?*), кимга? (*wem?*), нима билан (*womit?*), нима учун (*wofür?*), нима ҳақда? (*worüber?*) каби сўроқларга жавоб бўлади. Тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга нисбатан ўрнига кўра бош гапдан кейин туради.

Man hat um gesagt, **daß es noch eine Weile dauern werde.**

Бош гап билан боғланиш усулига кўра тўлдирувчи эргаш гаплар асосан боғловчили бўлади. Боғловчисиз тўлдирувчи эргаш гаплар кам учрайди. Боғловчили боғланган тўлдирувчи эргаш гаплар бош гап билан *daß* ва *ob* боғловчилари, *wer, was* нисбий олмошлари ва *wie, wann, wofür* каби нисбий равишлар билан боғланади. Булардан энг кўп қўлланадигани *daß* ва *ob* боғловчиларидир.

1. Der Arzt bittet des Patienten, **daß sie am möchten Tag wiederkammt.**
2. Ich kam Ihnen bei der nicht sagen, **ob es noch Karten für das Konzert gibt.**
3. Ich kann nicht verstehen, **was sie an die Tafel schreiben haben.**

Даß боғловчиси бош гапда сўзлашиш (айтмоқ, гапириб бермоқ, маълум қилмоқ), фикрлаш (ўйламоқ, фикр юритмоқ) ёки ҳис этиш (эшитмоқ, кўрмоқ, сезмоқ) каби тушунчаларни ифодаловчи феъллар келганда қўлланади:

1. Man sagt, daß Herrn am März ein Urlaub haben wird.
2. Ich denke, daß ich meine Arbeit zur Zeit ablegen werde.
3. Sie hörte, daß es morgen regnet.

Об боғловчиси бош гапда сўраш маъносига эга бўлган феъллар (сўромоқ, қизиқмоқ ва б.) келганда қўлланади:

Er fragte, ob die Studenten Konferenz morgen stattfinden.

Баъзан бош гап таркибида *damit, danach, darauf, davon, darüber, dafür* каби олмош равишлар ёки *das, es* каби кўрсатиш олмошлари қўлланади. Улар бош гапдан сўнг эргаш гапнинг келишига ишора қилувчи воситалардир. Бу воситалар коррелат (*das Korrelat*) атамаси билан юритилади:

1. Er ist darauf eingestellt, daß er ein paar Stunden warten muß.
2. Er fragt danach, ob sein Mantel fertig ist.
3. Ich bin froh darüber, daß ich Sie sehe.

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАП

Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги бирон сўзни аниқлаб конкретлаштириб келади. У одатда бош гап билан турли хил келишиқда предлогли ва предлогсиз кўринишда *der, welcher* нисбий олмошлари орқали боғланади. Айнан мана шу нисбий олмош бир томондан бош ва эргаш гапларни бир – бири билан боғлаб келса, иккинчи томондан эргаш гап составида эга, тўлдирувчи ёки аниқловчи функциясини бажариб келади. Қиёсланг:

1. Wolfgang, der wieder eifrig... weiterarbeitete, lud sie ein, mit ihm zu essen.
2. In ihrem keinen , reinlichen Zimmer, dessen Möbel mit hellgeblütem Kaffee überzogen waren, erwachte Tony am nächsten Morgen mit dem angeregten und freudigen Gefühl, mit dem man in einer neuen Liebeslage die Augen öffnet.

Аниқловчи эргаш гап бош гапга *wo, wohin, worum, wie, wieweit, worüber, womit* каби нисбий равишлар орқали ҳам боғланиши мумкин.

1. Der Ort, wo sie sich für diese Nacht niedergelassen hatten, schien ehemals ein Schloß gewesen zu sein.

2. Da kam die Frage wie weit sich die städtische Fürsorgeseiner Kinder annehme.

Агарда аниқловчи эргаш гап бош гаптаги etwas, manches, vieles, nichts, alles сўзлари, тартиб сонлар ёки отлашган сифат билан боғланиб келса, одатда у was нисбий олмоши (Nominativ ёки Akkusativ да) ёки нисбий равиш орқали бошқарилади:

1. Er wusste selbst, daß an ihm **nichts** war, **was** besonders ins Augestach.

2. Das **erste**, **was** Karlchen bemerkte, war ein ganz kleiner chinesischer Schoßhund.

Аниқловчи эргаш гап шунингдек бир қатор боғловчилар билан бош гапта боғланиб келиши мумкин. Улар жумласига daß, ob, als, wenn, da, als ob, als wenn боғловчилари киради. Улардан daß ва ob боғловчилари бош гап составида феълдан ясалган от турганда аниқловчи эргаш гапни бошқариб келади:

1. "Deine Hoffnung, daß durch uns deine Rettung kommen werde, ist vergeblich.

2. Der Kopf des Vaters... hielt strammstehend Umschau, ob sich nicht etwas Staatsgefährliches ereigne.

Агарда бош гаптаги аниқланиб келинаётган вақт маъносига эга бўлса, аниқловчи эргаш гап da, wo баъзан als каби боғловчилар орқали бошқарилади:

1. ... es gab Tage, da er seinen langweiligen Bürodienst nur schwer ertragen konnte. (B. Kellermann)

2. ...er entsann sich jenes Tages, als er von Stinnes Fenster aus dasselbe Sonnenuntergangsbild gehabt hatte.

ҲОЛ ЭРГАШ ГАП

Эргаш гапларнинг бу тури бир қанча кўринишга эга. Энди биз уларни бири-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилишга ўтамиз. Чунки ҳол эргаш гапларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бош гап билан ҳар хил услубда боғланиб келади.

ПАЙТ ЭРГАШ ГАП

Пайт эргаш гаплар wann?, bis wann?, seit wann?, wie lange?, wie oft? каби саволларга жавоб бўлиб келади. Улар бош гапдан олдин, кейин ва унинг ўртасида келиш хусусиятига эга. Қиёсланг:

1. **Nachdem er alle Zeitungen durchblättert hatte**, begann er sich Notizen zu einem Prozeß zu machen. (D. Kellermann. Der 9. November, S. 58).

2. Arnold bleibt, **nachdem auch Stefan dazu geraten hat**, bei Schmidt wohnen. (W. Bredel. Die Vater, S. 221).

3. Der Ausdruck ängstlicher Sorge wich auch nicht von ihrem Gesicht, **nachdem, sie unter den Wartenden die Tochter entdeckt hatte**. (B. Uhse. Die Patrioten, S. 166).

Пайт эргаш гапларда вақт тушунчаси бош гапга нисбатан белгиланади. Унда ифодаланган воқеа-ҳодиса бош гап билан бир вақтда, ундан олдин ва ундан кейин юзага келиши мумкин. Бу нарса немис тилида икки хил йўл билан амалга оширилади: 1) муайян бир замон формасининг ишлатилиши орқали; 2) тегишли боғловчиларни қўллаш йўли билан: als, bevor, bis, da, ehe, indem, indessen, indes, kaum, daß, nachdem, seit, seitdem, sobald, solange, so oft, während, wenn, wie, wo.

Баъзи ҳолатларда вақт маъноси феълнинг замон формасига нисбатан боғловчиларда аниқроқ, конкретроқ ифодаланган бўлади. Бу нарсани биз bevor, che ёки bis боғловчиларида кузатамиз.

Агарда пайт эргаш гапдаги воқеа-ҳодиса бош гапдаги воқеа-ҳодиса билан бир вақтда ифодаланган бўлса, кўшма гап компонентлари бир-бири билан während, indem (selten), indessen, indes, wobei, solange, als wenn боғловчилари орқали боғланган бўлади.

Бу ердаги während, indes, indessen, indem, wobei боғловчилари бир-бирига синоним. Улар ўрнида кўпинча während боғловчиси ишлатилади.

1. Während sein Bruder mein Porträt malte, spielte er uns in seiner bewundernswert gebundenen und wohl lautenden Art „Tristan“ vor.

2. Indem er den Kampf des russischen Volkes im vaterländischen Krieg gegen den Korsischen Eroberer darstellte, dachten alle an das heldenhafte sowjetische Volk im Großen Vaterländischen Krieg gegen den Faschismus. Und indem er den schwächlichen Untergang des napoleonischen Heeres schilderte, sah er auch bereits das Ende der Faschisten voraus. (Aus der Zeitung).

Während боғловчиси кўпинча айнан бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни мантиқан бир-бири билан қиёс қилишга олиб келади. Масалан:

Während Philipp in Berlin den 1. Mai als Triumphtag der Arbeiterklasse feiert, prügelt in München die Polizei die Maidemonstration auseinander und verhaftet wahllos Männer und Frauen. (W. Pollatschek, S. 191).

Indem боғловчиси ҳозирги замон немис тилида пайт эргаш гапдан кўпроқ равиш эргаш гапларда қўлланади. Агарда бош ва эргаш гапнинг эгаси турли хил шахс ва нарсаларни ифода этсагина пайт эргаш гап юзага келади.

„ ... Gabriele“ sagte er plötzlich, indem die Augen ihm übergingen. (Th. Mann. Der Untertann. S. 11).

Агарда бош ва эргаш гапнинг эгаси бир хил шахс сифатида намоён бўлса, равиш эргаш гап ҳосил бўлади. Қиёсланг:

Die Proletarier können sich die gesellschaftlichen Produktivkräfte nur erobern indem sie ihre eigene bisherige Aneignungsweise und damit die ganze bisherige Aneignungsweise abschaffen. (Аук der Zeitung).

Боғловчилар ичида indes, indessen жуда кам учрайди. Қиёсланг:

1. Seine Rachgier und seine Eifersucht kämpften, indes er sich nicht regte (H-Mann. Der Untertan. S. 168).

2. Mit einem Zu beruf sprang Nandu auf seine fein gebildeten Füße, indessen Sita und Schreibdamen gesenkten Hauptes still sitzen bleiben (Eben da, S. 266).

Wobei боғловчиси орқали боғланган пайт эргаш гаплар ҳам равиш эргаш гапига яқин туради.

Die Villard erzählte Fenster und Waschlecken scheuernd, wobei ihr die Meunier manchen Handgriff tat. (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 19).

Solange боғловчили орқали бош гапга боғланган пайт эргаш гаплар бош гапдаги иш-ҳаракатни чегаралаб қўяди.

1. Helmut fand es schwer, ihr zu antworten, solange sie ihm den Rücken zuwandte. (B. Uhse. Die Patrioten. S. 264).

2. ... solange ihre Gedanken von den unmittelbar auf sie eindringenden Anforderungen des Tages beansprucht wurden, war ihr kaum eine Veränderung anzusehen gewesen. (Eben da, S. 321).

Sooft боғловчисига эга бўлган пайт эргаш гап икки воқеа-ҳодисанинг такрорланишини кўрсатади. Қиёсланг:

1. Sooft sie lachte, hob sie die Hand vor den Mund, um eine Zahnücke zu verbergen. (B.Kellermann. Der Tunnel. S. 345).

2. Sooft er auch zu ihr hinsah, immer blieb ihr Kopf gesenkt. (W. Bredel. Die Väter. S. 288).

Als va wenn боғловчилари замонни аниқ кўрсатмайди. Бу мақсадни амалга ошириш учун замон формалари хизмат қилади. Агарда бош ва эргаш гапдаги ҳаракат бир вақтнинг ўзида амалга ошса қўшма гапнинг ҳар иккала компонентида ҳам бир хил замон формалари ишлатилади.

1. **Als sie auf dem hochgelegenen Bahnhof in Schiere ankamen**, schien die Sonne, doch hatte es zuvor geregnet. (B. Uhse. Die Patrioten. S. 11).

2. „Sie räumte sonst erst auf, **wenn mein Vater auf Arbeit war**“. (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 255).

Агарда бош ва эргаш гаплардаги иш ҳаракат турли даврларда содир бўлган бўлса, қўшма гап компонентларида турли хил замон формалари ишлатилади. Қиёсланг:

1. ... und wenn er daheim seine Arbeit getan hatte, las er in seinen Büchern oder beschäftigte sich im Garten. (Th. Mann).

2. Wenn sie sich für die Einladung bedankt haben und gegangen sind, ordnet Cäsar die Entlassung und Verhaftung des Polizeiädiln an. (W.Bredel. Gedichte. S. 175).

Ушбу мисолларимизда эргаш гапдаги иш ҳаракат бош гапниқидан олдин содир бўлган. Als боғловчиси билан бош гапга боғланган эргаш гапдаги иш ҳаракат бош гапниқидан кейин юзага келиши ҳам мумкин. Масалан:

1. Herr Friedmann hatte kaum seinen Dank und seine Zusage hervorgebracht, als der Türgriff energisch niedergedrückt wurde und der Oberleutnant eintrat. (Th. Mann. Der 9. November. S. 11).

Пайт эргаш гаплар ичида энг кенг тарқалган боғловчилар – бу als va wenn боғловчилари бўлиб ҳисобланади.

Als боғловчиси ўтган замонда бир мартагина содир бўлган иш-ҳаракатларни ифода этадиган пайт эргаш гапларни бош гапга боғлашда ишлатилади.

Wenn боғловчиси эса ўтган ва ҳозирги замонга нисбатан бир –неча бор такрорланиб турадиган воқеа-ҳодисаларни баён қилувчи эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

Als боғловчиси ўтган замонда бирвақтнинг ўзида содир бўладиган иш-ҳаракатларни ифода этади. Масалан:

Als ich sechzehn Jahre alt war, kam er von Rom, von der Universität, und begann mir den Hof zu machen. (H.Mann. Der Untertan. S. 5).

Агарда эргаш гап бош гапникига нисбатан олдин содир бўлган воқеа-ҳодисани баён этса, унда кесим Plusquamperfekt-да туради:

Als es aber völlig hell geworden war, schlug er die Augen auf und sah mit einem großen, schmerzlichen Blick um sich. (Th. Mann. Der 9. November. S. 288).

Кесим sein + Partizip II ёки лексик бирикмалар орқали ўз ифодасини топиши ҳам мумкин. Қиёсланг:

1. Als der Zahn gezogen war, lag Hanno acht Tage lang krank. (Th.Mann. Der 9. November. S. 341).

2. Als das Lied zu Ende war, klatschte der Saal Beifall.

Олдин содир бўладиган воқеа-ҳодисани баён этишда als боғловчисига nachdem боғловчиси синоним тарзида намоён бўлади. Масалан:

Nachdem das Lied zu Ende war, klatschte der Saal Beifall.

Wenn боғловчиси шарт эргаш гапни бош гапга боғлашда ҳам ишлатилади. У пайт эргаш гапи билан шунчалик яқинки, баъзан уларнинг қай бири пайт эргаш гап, қай бири шарт эргаш гап эканлигини аниқлаш қийин. Қиёсланг:

1. „Grünlich vernachlässigte mich, und wenn er einmal bei mir saß, so las er die Zeitung“. (W. Bredel. Die Söhne. S. 341).

2. „Wenn man so im Walde gelaufen ist, bekommt man Appetit, nicht wahr?“ (Eben da, S. 356).

Wie, da ва wo боғловчилари одатда бир марта содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифода этувчи эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Бундай пайтда эргаш гапдаги иш ҳаракат бош гапники билан бир вақтда ёки ундан олдин юзага келадиган воқеа-ҳодисаларни баён қилади.

1. Wie er an seine Maschine zurückgeht, blickt Karl ihm nach. (W.Bredel. Die Söhne. S. 56).

2. Jetzt, da diese seltsame Ruhe um sie herum eingetreten war, schien sie zusammengefallen und um Jahre gealtert zu sein. (Eben da. S. 44).

3. Jetzt, wo der Mörser nicht mehr Knirschte, war es vollkommen still. (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 106).

Бош гапникидан олдин содир бўлган воқеа-ҳодисаларни ифода этиш учун nachdem, kaum daß, sobald боғловчилари хизмат қилади. Аммо бу нарса nachdem

боғловчиси билан боғланган пайт эргаш гапларда феълнинг замон формаси орқали ҳам ўз аксини топади. Қиёсланг:

1. Jetzt, nachdem er unten an der Tür das verabredete Signal für Fahrt erblickt hat, ist ihm noch beklommener zumute. (W. Bredel. Die Söhne. S. 164).

2. Nachdem der Alte Hut und Stock in die Ecke gestellt hatte, setzte er sich in den Lehnstuhl. (Eben da, S. 106).

Олдин содир бўлган воқеа-ҳодисаларни баён қилишда *sobald* ва *kaum daß* боғловчилари қўлланади. Бундай пай бош ва эргаш гапларда бир хил замон формалари намоён бўлади. Қиёсланг:

1. ... so hatte er die beiden jungen Leute, sobald Thomas reisefähig war, gemeinsam nach Pau abreisen lassen. (H.Mann. Der Untertan. S. 6).

2. Kaum daß die beiden die Wohnung verlosen hatten, waren Cäciliens Augen voll Tränen. (W. Bredel. Die Söhne. S. 247).

Seitdem ва *seit* боғловчилари бош гаптаги иш ҳаракатнинг бошланиш пайтини кўрсатиб келади. Агарда бош ва эргаш гаплардаги гап ҳаракат бир вақтнинг ўзида бошланган бўлса ҳар иккала гапта ҳам бир хил замон формалари қўлланади. Қиёсланг:

1. Seitdem Reinholds Brief aus Dresden angekommen war, erschien ihm jeder weitere Warte tag noch unerträglicher als zu vor. (B. Uhse. Die Patrioten. S. 256).

2. Seit vor drei Wintern die Tanzstunde einmal in ihrem Hause gewesen war, liebte er sie. (H.Mann. Der Untertan. S. 248).

Агарда эргаш гаптаги иш ҳаракат бошланмасдан олдин бош гаптаги иш ҳаракат тугалланган бўлса эргаш гап бош гапга *bevor* ва *ehe* боғловчилари орқали боғланган бўлади. Бундай ҳолатда эргаш гаптаги замон формаларининг ишлатилиши эркин бўлади. Қиёсланг:

1. Es vorgehen oft Monate, oft fast ein Jahr, ehe ein Bewohner von Geschaut in das jenseitige Tal hinüberkommt ... (W.Bredel. Die Väter. S. 259).

2. Sie waren ölend vor Hunger. Aber sie Habens auf Tusch gelegt, bevor sie nach dem Brot gelangt haben. (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 289).

Bis боғловчиси бош гапдаги иш ҳаракатнинг муайян бир пайтгача давом этишини кўрсатиб келади. Одатда бош гапдаги иш ҳаракатнинг бошлангунига эргаш гапдаги ҳаракат тугалланганлиги англатилади. Бундай пайт кўпинча бош гап таркибида so коррелати ўрин эгаллайди. Масалан:

Arnold steckt sein Gesicht so lange in dem warmen Sonnenstrahl, bis er verschwunden ist. (W. Bredel. Die Väter. S. 158).

Пайт эргаш гапларда одатда индикатив ишлатилади. Чунки бу ерда реал мавжуд бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикр юритилган бўлади. Фақат пайт эргаш гап бош гапга bis боғловчиси билан боғланганда Konjunktiv қўлланиши мумкин. Бундай пайт бош гапнинг кесими ўтган замонда турган бўлади. Қиёсланг:

1. Sie schwieg vor Don Alfonso, sie machte ihm keine Vorwürfe, sie wartete, bis er reden werde. (L. Feuchtwanger. Der falsche Nero. S. 66).

2. So wartete sie ab, bis er von alleine dem Mund auftun würde. (Eben da. S. 58).

ЎРИН ЭРГАШ ГАП

Ўрин эргаш гаплар бош гапга wo, woher, wohin каби нисбий равишлар орқали боғланиб, бош гап составида da, dahin, daher, dort, dorthin каби ўрин равишлари бош гап составида коррелат сифатида ишлатилади.

1. Er muß weiter fortgehen ... am besten dahin, wohin er ihr versprochen hat (H. Fallada).

2. ... war ich da nicht wieder zurückgekehrt dorthin, woher ich einstmals gekommen war (J. Becher).

Ўрин эргаш гапни бошқарувчи wo нисбий олмошига тегишли предлог билан қўшилган der нисбий олмоши мос келади ва улар бир-бирига синоним тарзида намоён бўлади:

Der Ort, wo (an dem) sie sich niedergelassen hatten ...

РАВИШ ЭРГАШ ГАП

Равиш эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда, қай тарзда юажарилишини кўрсатади. У wie? (қандай?), auf welche Weise?, auf welche Art (қай тарзда?), (қандай қилиб?) сўроқларига жавоб бўлиб келади.

Равиш эргаш гап бош гапдан олдин, унинг ўртасида ёки ундан кейин келиши мумкин. У бош гапга daß, ohne daß, (an) statt daß, indem, wobei, dadurch daß, damit daß каби боғловчилар билан боғланади. Равиш эргаш гап бош гапга daß боғловчиси билан бирикиб келганда, бош гапда dadurch коррелати ишлатилади:

Georg war für den Augenblick dadurch gerettet, daß er viel näher war als sie glauben.

Indem ва wobei боғловчиларининг вазифаси равиш эргаш гапни ҳам, пайт эргаш гапни ҳам бош гапга боғлашдан иборатдир. Бу боғловчиларнинг қандай эргаш гапни бош гапга боғлаши эргаш гап мазмунига боғлиқ. Indem боғловчиси wobei боғловчисига қараганда кўпроқ қўлланади. Қиёсланг:

Müssen wir nicht froh sein, fuhr er fort, indem er mit der Verwirrten ins tiefere Zimmer zurückkehrte.

Бош гапга ohne daß боғловчиси ёрдамида бириккан равиш эргаш гапларда иш-ҳаракат ҳали бажарилмаган бўлади:

Sie schien aufmerksam auf das Gespräch, ohne daß sie daran teilgenommen hätte.

Агарда равиш эргаш гапдаги ҳол бошқа ҳол билан алмашинса, унда равиш эргаш гап (an) statt daß боғловчиси билан бошланади. Қиёсланг:

Statt daß er zu seiner alten Mutter gefahren wäre, kam sie zu ihm.

Агарда эга бош гапда statt daß боғловчиси билан қўлланган эргаш гап ўрнида келса, у кўпинча zu инфинитив 1 ва statt предлоги боғловчи вазифасида қўлланади:

Statt zu seinen Eltern zu fahren (- statt daß er zu seinen Eltern gefahren wäre), fuhr er in den Kaukasus.

Шундай қилиб, равиш эргаш гаплар икки турли бўлиб, улардан бири тасдиқ, иккинчиси инкор равиш эргаш гаплардир.

Тасдиқ эргаш гап *indem, wobei, daß* боғловчилари билан боғланиб келади. Бош гапда *dadurch* коррелати қўлланади. Қиёсланг:

Dabei greift die Technik tief in das Verhältnis der Natur zum Menschen dadurch ein, daß sie seine Umwelt im großen Maßstab verwandelt.

Инкор равиш эргаш гап *ohne daß, (an) statt daß* боғловчилари билан бирга қўлланади. Қиёсланг:

Er hat mich besucht, ohne daß ich ihn eingeladen habe. Er legte sich ins Bett, statt daß er arbeitete.

САБАБ ЭРГАШ ГАП

Немис тилида сабаб эргаш гап бош гапга нисбатан сабаб ҳоли функциясини бажариб келади ва нима учун? (*warum?*), нимага асосан? (*aus welchem Grunde?*), нима сабабдан? (*weshalb?*) каби саволларга жавоб бўлади.

Улар бош гап билан *weil* ва *da* боғловчилари орқали боғланиб келади. *Weil* билан боғланиб келган эргаш гаплар асосан бош гапдан кейин, *da* билан келса бош гапдан олдин туради:

1. *Ich studiere Deutsch, weil ich nach Deutschland fahren will.*
2. *Da ich heute keine Zeit habe, gehe ich ins Kino nicht.*

МАҚСАД ЭРГАШ ГАП

Мақсад эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қандай мақсадда, қандай ниятда бажарилишини англатади. *У wozu?, zu welchem Zweck?, mit welcher Absicht* сўроқларига жавоб бўлади.

Мақсад эргаш гап бош гапга *damit, daß, auf daß* боғловчилари орқали боғланади. Қиёсланг:

1. *Petra mußte sie während der Fahrt stützen und halten, damit sie nicht vom Sitz fiel.*
2. *„Bist du elend, blinde mich an dein Elend, daß ich es dir tragen helfe“.*

Мақсад эргаш гап асосан бош гапдан кейин келади. Лекин унинг бош гап ўртасида келиш ҳолати ҳам баъзан учрайди. Қиёсланг:

1. Ich habe auch bloß damit angefangen, damit Sie sehen, in welcher Stammlung wir uns befanden.

2. Eine Weile bewacht Marten das Seeufer noch, damit kein neuer Schlammkrieg ausbricht.

ШАРТ ЭРГАШ ГАП

Шарт эргаш гаплар бош гапдан англашилган мазмунининг қандай шарт-шароитда бажарилишини кўрсатади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, шарт эргаш гапларнинг формал тузилиши айрим бошқа эргаш гапларникига ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам шарт эргаш гапни белгилашда эргаш конструкциясининг мазмунига, таркибидаги бўлақларнинг маъносига диққат этиш зарур.

1. Denn was sollte werden, wenn die Befreiung Westfalls nicht gelang? (B.Uhse).
2. Sie sah sehr bleich und angegriffen aus, ihre Augen waren gerötet, und ihre Oberlippe bette wie früher, wenn Tong als Kind geweint hatte (Th.Mann. der 9. November. S. 114).
3. War der Alte mit seinen Söhnen Ludwig und Otto gegangen, hätte frau Hardekopf wieder ins. Bett kriechen können doch sie dachte nicht daran (W.Bredel. Die Väter. S. 326).
4. Nichts haßte der General mehr als Ansammlungen von menschen, mochten sie groß oder klein sein (B.Kellerman. Der Tunnel. S. 261).

Бу мисолларнинг биринчи ва иккинчисида эргаш гап бош гапга “wenn” боғловчиси билан боғланган, кесим ўша гапнинг охиридан ўрин эгаллаган. Демак, улар бир хил кўринишга эга. Бироқ агарда уларни мазмун жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг биринчисида шарт эргаш гап, иккинчисида эса пайт эргаш гап намоён бўлганлигини кўраимиз. Худди шунингдек, учинчи ва тўртинчи мисолларимизда ҳам эргаш гап бир хил кўринишга эга. Улар бош гапга боғловчисиз боғланган, шунинг учун ҳам биринчи ўринда кесим турибди. Бу ерда ҳам агарда мазмун жиҳатдан ёндашсак. Унда учунчи мисолимизда шарт эргаш гап, тўртинчисида эса равиш эргаш гап иштирок этаётганини кўраимиз.

Шарт эргаш гапларда конъюнктив билан бир қаторда индикатив ҳам ишлатилади. Конъюнктив билан индикативнинг чегарасини аниқлаш учун шарт эргаш гапларни мазмунига кўра иккига ажратиш мақсадга мувофиқдир. Улар **реал** ва **нореал** шарт эргаш гаплардир. Агарда реал шарт эргаш гапларда доим индикатив қўлланилса, нореал шарт эргаш гапларда конъюнктив ишлатилади.

Реал шарт эргаш гаплар иш-ҳаракатнинг бажарилиши аниқлигини, реаллигини ифода этади ва шу сабабдан ҳам унда индикатив иштирок этади:

Wenn du kein Schrot mithast, fahren wir ohne Enten zurück (K.Beuchler. S. 119).

Нореал шарт эргаш гаплар иш-ҳаракатнинг бажарилмаслигини ва реал бўлмаслигини ифода этади. Эргаш гапнинг бу турида ишлатиладиган конъюнктив замон формалари абсолют замон маъносини англатади. Нореал шарт эргаш гапдаги шарт-шароит ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлса, бош ва эргаш гапда претерит Конъюнктив ёки würde + Infinitit I қўлланади:

Wenn er Zeit hätte, ginge er spazieren (würde ere spazierengehen).

Агар нореал шарт эргаш гапдаги шарт-шароит ўтган замонга тегишли бўлса, бош ва эргаш гапда плюсквамперфект конъюнктив қўлланади:

Wenn er Zeit gehabt hätte, hätte er seine Freunde besucht.

Шарт эргаш гапли қўшма гапнинг нореал эргаш гапида плюсквамперфект конъюнктив, бош гапида эса кондиционалис II қўлланиши мумкин:

Wenn ihr nicht geschlafen hättet, so würdet ihr gehört haben, wie ich in Ostindien im Begriffe war (B.Kellermann. Tunel. S. 246).

Баъзан шарт эргаш гапли қўшма гапнинг бош ва эргаш гапларида турли замон формаларини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бундай пайтда нореал шарт-шароит ўтган замонга, кутиладиган натижа эса ҳозирги ёки келаси замонга тегишли бўлади:

Wenn du jetzt wüßtest, was ich weiß (W. Bredel. Die Söhne. S. 247).

Шарт эргаш гап бош гап билан боғловчисиз ёки боғловчили боғланади. Унинг боғловчисиз тури доим бош гапдан олдин қўлланади. Шарт эргаш

гапнинг бу турида кесимнинг тусланувчи қисми биринчи ўринда келиб бош гап составида кўпинча so ёки dann коррелати қўлланилиши ҳам мумкин.

Bist du zu ihm gekommen, hast du ihn um Rat gefragt, an allen Fingern hat er die Paragraphen abgezählt (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 264).

Жуда кам ҳолларда қоидадан мустасно тарзида шарт эргаш гапларда индикатив ҳам ишлатилиши мумкин. Қиёсланг:

1. Und diese Beschäftigung bereitete ihm eine ganz ähnliche genug tun, wie wenn er mit seiner Geige ... in seinem Zimmer **umherging** (Th. Mann. Der Tunnel. S. 268).

2. Eduard sieht aus, als ob er einen Schlagunfall kriegen wird (Eben da. S. 19).

Одатда шарт эргаш гап бирикиб келган бош гапнинг таркибида so, dann, als dann сўзлари коррелат вазифасини ўтаб келади. Қиёсланг:

1. Wenn das Wahr ist, **dann** ist Schlimmes zu befürchten (W. Bredel. Die Väter. S. 12).

2. Hätte ich die von meinen Ahnen geschaffene Statue gefunden, **dann** hätte ich vielleicht versucht, sie wieder zum Leben zu erwecken.

3. „Hätte ich mich nicht so lange mit diesem Lademann aufgehalten“, dachte er, **so** könnten wir jetzt bald in Moskau sein“

НАТИЖА ЭРГАШ ГАП

Бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳолат ёки белги-хусусиятнинг натижаси, хулосасини ифодалаган эргаш гаплар натижа эргаш гап деб юритилади. Бу хил эргаш гапларнинг бош гапидан сабаб мазмуни англашиладики, эргаш гап шу сабабдан келиб чиқадиган натижани кўрсатади.

Натижа эргаш гаплар wie?, in welchem Maß?, bis zu welchem Grad? Mit welcher Folge? Каби сўроқларига жавоб бўлиб келади.

Ушбу эргаш гапнинг бошқаларидан фарқи шундаки, у ҳар доим бош гапдан кейин келади ва бош гапга daß, so daß, als daß, ohne daß боғловчилари ёрдамида боғланади.

1. Ich bin ganz verwirrt, so daß ich kleine Antwort finde (B.Kellermann. Der Tunnel. S. 87).

2. Ich bin dort geboren, und es ist mir, als müßte ich gleich nach Hause gehen (Eben da. S. 45).

Шунингдек боғловчисиз боғланган кесим эргаш гапларда ҳам конъюнктив ишлатилиши мумкин:

Ihm war es, sie hätte einem Blick tief in ihn hineingesehen ... (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 266).

ҚИЁС ЭРГАШ ГАП

Эргаш гапли кўшма гапларнинг шундай турлари борки, уларда эргаш гапдаги мазмунга қиёслаш орқали бош гапнинг мазмуни очилади. Эргаш гаплар бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятни бошқа бир воқеа, ҳодиса, белги-хусусиятларга қиёслаш орқали ифодалаши мумкин.

Қиёс эргаш гапларда бош гапнинг мазмуни бошқа бир воқеа, ҳодисага қиёсланиши, қарама-қарши қўйилиши ёки бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг даражаси изоҳланиши мумкин. Бош гапнинг бу хусусиятлари эргаш гапдан англашилган мазмунга қиёслаш орқали очилади.

Қиёс эргаш гапларда одатда конъюнктив II ишлатилади, чунки унда ифода этиладиган воқеа-ҳодисалар ўтган замонда содир бўлади. Унда бажариб бўлмайдиган ёки бажариш имконияти бўлмаган иш-ҳаракат, белги бош гапдаги ҳаракат-ҳодиса ёки белгисига қиёсланади, ҳамда wie? сўроғига жавоб бўлади. Қиёс эргаш гап бош гапга wie, als, als ob, als wenn, je ... desto, je ... nachdem, je ... umso каби боғловчилар билан бирикиб келади.

Қиёс эргаш гап ҳам бошқа тур эргаш гаплар каби бош гапдан олдин ёки ундан кейин келади. Бироқ бош гап ўртасида келиш ҳолати камроқ учрайди. Қиёс эргаш гаплар иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини ифода этишига кўра: **Реал** ва **нореал** қиёс эргаш гапларга бўлинади.

Реал эргаш гаплар бош гапга als, wie, als ob, als wenn, je ... desto, je ... nachdem, je ... umso каби боғловчилари орқали боғланади.

Агар қиёс эргаш гап бош гапга je ... desto, je ... nachdem боғловчилари ёрдамида бирикса, унда бош ва эргаш гап бир-бирига нисбатан пропорционал

муносабатга эга бўлади, бунда је эргаш гапда қўлланса *desto* ва *um so* бош гапда келади ва кесим индикативда туради.

Бироқ конъюнктивнинг асосий ишлатиш жойи – бу нореал қиёс эргаш гаплар бўлиб, улар иш-ҳаракатнинг рўёбга чиқмаслигини англатади ва бош гапга *als*, *als ob*, *als wenn*, *wie wenn* боғловчилари орқали бирикади. Бундай пайтда эргаш гап бош гапдан кейин келади. Бу боғловчилардан фақат *als* боғловчиси турган эргаш гапда кесим бевосита ўша боғловчисидан кейин туради:

1. Es war Jozia manchmal zumute als ob sie auf ihrer Kiste fahre.

2. Seine eigene Stimme kam ihm wie die eines Fremden vor, und er hatte das Gefühl, als spränge er von einem Fels in den Abgrund (W.Joho).

Эргаш гапдаги иш-ҳаракат бош гапдаги иш-ҳаракат билан бир вақтда амалга ошадиган бўлса, у вақтда эргаш гапда презенс ёки претерит конъюнктив қўлланади:

Es gibt Agenten, die stellen sich so, als läge ihnen das Wohl der Arbeiter Schaft am Herzen. Sie stellten sich nur so, als ob sie die ganze Geschichte schon lesen könnten (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 19).

Агар эргаш гапдаги иш-ҳаракат бош гапдаги иш ҳаракатдан аввал амалга ошган бўлса, эргаш гапда перфект ёки плюсквамперфект конъюнктив қўлланади:

Das alte Gelände sichtet aus, als habe man ihm eine neue frisch gestärkte Schürze vorgebunden.

Агар нореал қиёс эргаш гапли қўшма гапнинг бош ва эргаш гапларидаги иш ҳаракат бир вақтда содир бўлганликни ифода этса, конъюнктивнинг презенс, претерит замон формалари қўлланади. Қиёсланг:

Jean Meunier sprach finster und grollend, als ob alles schief gehe. Er wätzt sich von einer Seite auf die andere, stöhnt und ächzt, als ob ihn Schmerzer quälten (W.Bredel).

Нореал қиёс эргаш гапдаги иш ҳаракат бош гапдаги иш-ҳаракатдан олдин рўёбга чиққан бўлса, унда у конъюнктивнинг префект, плюсквамперфект замон формаларида ифода этилади:

Ich sehe heute noch alles so deutlich vor Augen, als sei gestern gewesen. Er betrachtete sie so genau, als hätte er sie noch nie gesehen (A.Seghers. Die Toten bleiben jung. S. 124).

Агар нореал қиёс эргаш гапдаги иш-ҳаракат бош гапдаги иш-ҳаракатга нисбатан кейин амалга ошадиган бўлса, кондиционалис I, футурум I ёки wollen модал феълининг презенс ёки претерит конъюнктив замон формалари ишлатилади:

Das Kind schneidet ein Gesicht, als würde es bald weinen (als wollte es weinen) (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 241).

Агарда қўшма гап компонентларидаги иш ҳаракатлар тенг бўлмаган тарзда қиёс қилинса одатда конъюнктив ишлатилади. Бундай пайтда als ob, als wie, als wenn, wie wenn, als боғловчилари ишлатилади. Улардан als ва wie боғловчилари иш ҳаракатлар тенг бўлганда ишлатилса, ob ва wenn боғловчилари иш ҳаракат ноаниқ ва шартли бўлганда қўлланилади.

Агарда бош гап кесими Präsens –да турса, эргаш гапники Konjunktiv II – да туради. Қиёсланг:

Manches Mal kommt es mir vor, als ob ich plötzlich in die Mähe eines Ofens ... gerückt wäre, ganz so warm berührt es alsdann meine Glieder ... (Krull. S. 383).

ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАП

Тўсиқсиз эргаш гаплар бош гапда ифодаланган мазмунга нимадир тўсиқ бўлишини ифодалайди, аммо эргаш гапдаги ҳаракат-ҳолат, белги-хусусият бош гапдаги иш-ҳаракат, ҳолат, мақсаднинг юзага чиқишига монелик қилса ҳам, бош гапдаги мазмун вужудга келверади, эргаш гапдан англатилган мазмун кутилган натижага олиб келмайди.

Тўсиқсиз эргаш гапларнинг қисмлари мазмунан анча мустақил бўлади. Тўсиқсиз эргаш гап кесимининг шарт-феъли орқали ифодаланиши билан шарт эргаш гапларга ҳам ўхшайди. Аммо бундай функциядаги шарт феъли шартликни ифодаламайди, балки тамоман бошқа мазмун – тўсиқсизлик мазмунини англатади.

Тўсиқсиз эргаш гаплар *trotz welchen Umstandes?*, *wessen ungeachtet?* каби сўроқларига жавоб бўлиб келади. Уларда ҳамма вақт ҳам конъюнктив ишлатилавермайди. Масалан, *obwohl*, *obgleich*, *trotzdem* каби боғловчилар билан бош гапга боғланган тўсиқсиз эргаш гапларда одатда индикатив қўлланади:

Obwohl es weit nach Mitternacht war, saßen die anderen noch auf und diskutierten ein Problem (Н.Кант, *Der Untertan*. S. 245).

Wenn ... auch, auch wenn, wenn ... schon боғловчилари билан ишлатилган тўсиқсиз эргаш гаплар мазмунига кўра шарт эргаш гапларга яқин туради ва шунинг учун ҳам уларда кўпинча конъюнктивга дуч келамиз. Ҳозирги ва келаси замон учун претерит ёки кондиционалис I формаси ишлатилади:

1. *Auch wenn ich Zeit hätte, würde ich mir den Film nicht ansehen.*
2. *Und hätte er sich nicht dem Teufel übergeben. Er müßte doch zu Grunde gehen!* (W.Goethe).
3. *„Was auch noch mit uns beiden geschieht lieber Jean, auf mich kannst Du immer hauen ...“* (A.Seghers. *Das siebte Kreuz*. S. 169).

Ўтган замон учун эса одатда плюсквамперфект ёки кондиционалис II қўлланади. Қиёсланг:

1. *Auch wenn es geregnet hatte (haben würde), hatten wir den Ausflug gemacht.*
2. *Von einer so furchtbaren Demütigung wie sie dieser Mann hier erlebte, erhalte sich keiner mehr, und wenn er sein Herz mit noch so viel Skepsis, Vernunft, Tapferkeit umrüstet hatte. Und wenn er einmal, nach Jahren, sollte freigelassen werden, wird er den Makel des Verurteilten Ketzers tragen* (L.Feuchtwanger. S. 18).

Буйруқ маъносини ифода этиш лозим бўлганда презенс конъюнктив ишлатилиши мумкин. Бунда презенс конъюнктив претерит конъюнктивга синоним тарзда намоён бўлади ва шунинг учун уларни бир-бири билан алмаштириш мумкин:

1. *Man muß ihm helfen sein, wäre es auch sinnlos.*

2. ... für Langenranke ist „Einfriede“, was Doktor Leanders Neider und Rivalen auch sagen mögen, aufs wärmste zu empfehlen (Th.Mann. Der 9. November. S. 246).

Тўсиқсиз эргаш гаплар бош гапга was, wer, wie, wo, wohin, welcher каби нисбий олмош ва равишлар ҳамда so равиши орқали бирикади. Тўсиқсиз эргаш гапнинг бундай кўриниши **нисбий тўсиқсиз эргаш гап** деб юритилади. Қиёсланг:

1. Franz versuchte in einigen Sätzen in gerechtes Bild von Georg zu gehen was er wohl auch in der richtigsten Stunde nicht gekannt hatte (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 18).

2. Wie sich der Direktor auch anstrenge, er konnte Gilberts Verbindung nicht auf findig machen (A.Seghers. Das siebte Kreuz. S. 18).

Кузатишлар шуни кўрсатадики, тўсиқсиз эргаш гаплар асосан индикативда қўлланади. Агар тўсиқсиз эргаш гап бош гапга auch,... wenn, wenn ... auch, wenn ... schon боғловчилари орқали бирикса, худди шундай боғловчисиз қўлланган тўсиқсиз эргаш гаплар мазмунидан нореал конъюнктив ишлатилади.

МИҚДОР – ДАРАЖА ЭРГАШ ГАП

Миқдор – даража эргаш гапли кўшма гапда эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатни қанча миқдорда, қандай даражада бажарилишини аниқлаш учун хизмат қилади. Эргаш гапнинг бу тури бош гапга (in) wiefern?, (in) wieweit? сўроқларига жавоб бўлиб келади.

Миқдор – даража эргаш гап бош гапга insofern, sofern, wofern, inwiefern, wiefern, soweit, inwieweit, wieweit, insoviel, soviel, nur daß боғловчилари орқали бирикади. Бу боғловчилардан soweit ва soviel кўпроқ қўлланади. Бу боғловчиларнинг маънолари бир-бирига жуда яқиндир.

Миқдор – даража эргаш гап бош гапдан олдин, ўртасида ёки ундан кейин қўлланади. Қиёсланг:

1. Mit aufgehellter Miene, soweit sie sich aufhellen konnte, trat er ein.
2. Heinz war, so schnell ihn die Füße trugen, zur Station der Untergrundbahn geeilt.

3. Was Harno betraf, so erhob er nur einen Augenblick den Kopf, verzog den Mund und blieb einfach sitzen.

Шундай қилиб, эргаш гапни бош гапга боғловчи боғловчилар ва ушбу функцияни бажарувчи сўзларни таҳлил қилар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, бир боғловчи турли хил кўринишдаги ҳар хил синтактик функцияни бажарувчи гапларни бошқариб келиши мумкин. Бу нарса уларнинг кўп маънолигидан далолат беради. Масалан, daß ва wenn боғловчилари ҳар хил синтактик функцияни бажарувчи эргаш гапларни бошқариб келиш имкониятига эга эканлигининг гувоҳи бўлдик

Шундай қилиб, эргаш гапни бош гапга боғловчи боғловчилар ва ушбу функцияни бажарувчи сўзларни таҳлил қилар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, бир боғловчи турли хил кўринишдаги ҳар хил синтактик функцияни бажарувчи гапларни бошқариб келиши мумкин. Бу нарса уларнинг кўп маънолигидан далолат беради. Масалан, daß ва wenn боғловчилари ҳар хил синтактик функцияни бажарувчи эргаш гапларни бошқариб келиш имкониятига эга эканлигининг гувоҳи бўлдик.

ИИКИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА

Айтиш мумкинки, боғловчиларнинг синтаксисдаги энг асосий ишлатилиш ўрни – бу қўшма гап компонентларини бир-бири билан бирлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Қўшма гап компонентлари одатда бир-бири билан турли боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида ёхуд турлича интонация орқали ўзаро бирикади.

Немис тилида ҳар бир боғловчи сўз ўзининг ишлатилиш доирасига эга. Жумладан, боғланган қўшма гап компонентларини тенг боғловчилар, олмош ва равишлар боғлаб келади. Боғланган қўшма гапнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) Бириктирувчи боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар;
- б) Зидловчи боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар;
- в) Сабаб боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар;
- г) Натижа боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гап компонентларини бирлаштирувчи сўзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) сўз тартибига таъсир этувчи боғловчи сўзлар; 2) сўз тартибига таъсир этмайдиган боғловчи сўзлар.

Боғловчи сўзларнинг роли айниқса эргашган қўшма гап компонентларини бир-бири билан боғлашда бениҳоя каттадир. Эргаш гапнинг ҳар бири бош гап билан боғланишда ўзига хос услубга эга. Биз уларни умумлаштирганимизда эргаш гаплар бош гап билан қуйидаги боғловчи сўзлар орқали боғланишининг гувоҳи бўлдик:

1. Эга эргаш гап

- 1) боғловчилар: daß, ob, als, wenn, als wenn;
- 2) нисбий олмошлар: was, wer, der, die, das, welcher, welche, welches;
- 3) нисбий равишлар: warum, wo, wohin.

2. Кесим эргаш гап

- 1) боғловчилар: daß, ob, als ob, wie, als, wenn;
- 2) нисбий олмошлар: der, die, das, wer, was, wofür.

3. Аниқловчи эргаш гап

- 1) нисбий олмошлар: der, die, das, welcher, welche, welches;
- 2) эргаштирувчи боғловчилар: daß, ob, als,

- wenn, da;
- 3) нисбий равишлар: wo, wie wohin, weshalb, warum.
- 4. Тўлдирувчи эргаш гап**
- 1) боғловчилар: daß, ob, wie;
- 2) нисбий олмошлар: wer, was, der, die, das welcher, welche, welches;
- 3) нисбий равишлар: warum, wo, woher, wohin, wann, wieso, wie viel, weshalb;
- 4) нисбий олмош-равишлар: woran, womit worüber.
- 5. Ўрин эргаш гап**
- Ўрин равишлар: wo, wohin, woher.
- 6. Пайт эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: während, indes, indessen, indem, wobei, solange, seit, sooft, seitdem, nachdem, so bald, kaum daß, ehe, bevor, bis, als, wenn, da, wo, wie.
- 7. Равиш эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: daß, ohne, daß, (an) statt, daß, indem, wobei, dadurch, daß, damit daß.
- 8. Қиёс эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: wie, als, als ob, als wenn, wie wenn, je ... desto, je ... nachdem, je ... umso.
- 9. Натижа эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: daß, so daß, als daß, ohne daß.
- 10. Сабаб эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: weil, da.
- 11. Мақсад эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: damit, daß, auf daß
- 12. Шарт эргаш гап**
- Эргаштирувчи боғловчилар: wenn, falls.
- 13. Тўсиқсиз эргаш гап**
- 1)Эргаштирувчи боғловчилар: obwohl, obgleich, ob, obschon, obzwar, ob auch, wenn gleich, wenn, schon, wenn auch, auch wenn, trotzdem;
- 2) нисбий олмош ва равишлар: was, wer, wie, wo, wohin, da, so, welcher, was für ein.

14. Миқдор-даража эргаш гап

Эргаштирувчи боғловчилар: insofern, sofern, wo fern, inwiefern, wie fern, soweit, inwieweit, wieweit, in soviel, soviel, nur daß.

Ҳозирги замон немис тилида эргаш гапни бош гапга боғловчи сўзлар турли-тумандир. Улар соф боғловчилар, боғловчи вазифасини ўтовчи равиш ва олмошлардир. Бу сўзларнинг айримлари бир қатор эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Улар жумласига daß, wenn, wie, ob, wo, als кабиларни киритиш мумкин.

ХУЛОСА

Сўзларнинг бирор туркумга мансублигини аниқлаш ва кўрсатишда уларнинг лексик морфологик ва синтактик белгилари, қандай сўроққа жавоб бўлиши асос қилиб олинади.

Ҳар бир туркумга кирувчи сўзлар бир қатор умумий белгиларга эга

Тилдаги сўзларни туркумларга ажратишга бўлган қизиқиш узоқ ўтмишга эга. У бугунги кунгача тўлиқ маънода ўз ечимига эга эмас. Бунга сабаб олимлар орасида ягона бир критериянинг йўқлигидир. Бунинг натижасида турли хил сўз туркумлари қайд этилади. Қадимги немис тили даврида сўз туркумлари 9 ёки 10 гуруҳга ажратилган. Бу соннинг икки хил бўлишига сабаб айрим тилшунослар ўша даврда артиклини сўз туркумлари жумласига киритган бўлса, бошқалари эса уни инкор этишган.

Сўзларни туркумларга ажратиш эркинлигини ишлаб чиқишда Г.Глинц, Дуден, И.Эрбен, В.Юнг, Л.Р.Зиндер, Т.В.Строева, Е.И.Шендельс, Е.В.Гулига, М.Д. Натанзон, О.И.Москальская, Т.З. Мирсоатов каби олимларнинг ҳиссаси катта.

Немис тилида боғловчилар бошқа ёрдамчи сўз туркумлари каби ўзгармайдиган сўзлардир. Улар мустақил гап бўлани вазифасида келмай, балки гап бўлаклари ёки қўшма гап ичидаги содда гапларни ўзаро бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлардир.

Ҳозирги замон немис тилидаги боғловчиларнинг турини аниқлашда тилшунослар орасида ягона фикр йўқю улар боғловчиларни тузилишига ва ишлатилишига кўра турларга ажратишади. Тузилишига кўра айрим олимлар (М.Г.Арсеньева ва бошқалар) боғловчиларни 4 гуруҳга ажратишса, бошқалари (И.А.Ҳақимов, Т.З.Мирсоатов) 3 гуруҳга ажратишади.

Боғловчилар маъно жиҳатдан иккига ажратилади: бир маъноли ва кўп маъноли боғловчилар.

Булардан ташқари боғловчилар ифодаляйдиган синтактик алоқаларнинг хусусиятига кўра икки катта группага бўлинади: 1) Тенг боғловчилар; 2) Эргаштирувчи боғловчилар.

Грамматик муносабатлари ўзаро тенг бўлган уюшиқ бўлакларни ё айрим гапларни бириктирувчи боғловчилар тенг боғловчилар дейилади. Тенг боғловчилар

гапнинг уюшиқ бўлақларини ва қўшма гап таркибидаги гапларни боғлаш учун хизмат қилади.

Тенг боғловчилар маъно муносабатига кўра – бириктирувчи, зидловчи, сабаб – натижа ва айирувчи каби тўрт группага бўлинади.

Немис тилида баъзан равиш ва олмош-равишлар ҳам тенг боғловчилар функциясини бажариб келади. Улар сўз тартибига таъсир қилмайди.

Эргаштирувчи боғловчиларнинг асосий қисми қўшма гап компонентларини бир-бири билан бирлаштириш учун хизмат қилади. Фақат қиёслашни ифодаловчи *als, wie* ва мақсадни ифодаловчи *um* боғловчилари гап бўлақларини боғлаш вазифасини бажаради.

Немис тилида эргаштирувчи боғловчилар маъно муносабатларига кўра 9 турга ажратилади. Баъзан нисбий олмошлар, нисбий равишлар ва олмош-равишлар ҳам эргаштирувчи боғловчи функциясини ўтайди.

Боғловчиларнинг уюшиқ бўлақларни бир-бири билан бирлаштиришдаги хизмати ўзига хосдир. Бу борада эга, кесим. Аниқловчи. Тўлдирувчи ва ҳолнинг барча турлари уюшиб келиши мумкин. Демак, боғловчилар гапнинг исталган бўлагини бириктириш хусусиятига эга.

Айтиш мумкинки, боғловчиларнинг синтаксисдаги энг асосий ишлатилиш ўрни – бу қўшма гап компонентларини бир-бири билан бирлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Қўшма гап компонентлари одатда бир-бири билан турли боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида ёхуд турлича интонация орқали ўзаро бирикади.

Немис тилида ҳар бир боғловчи сўз ўзининг ишлатилиш доирасига эга. Жумладан, боғланган қўшма гап компонентларини тенг боғловчилар, олмош ва равишлар боғлаб келади. Боғланган қўшма гапнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- а) Бириктирувчи боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар;
- б) Зидловчи боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар;
- в) Сабаб боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар;
- г) Натижа боғловчилар орқали боғланган қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гап компонентларини бирлаштирувчи сўзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) сўз тартибига таъсир этувчи боғловчи сўзлар; 2) сўз тартибига таъсир этмайдиган боғловчи сўзлар.

Боғловчи сўзларнинг роли айниқса эргашган қўшма гап компонентларини бири бири билан боғлашда бениҳоя каттадир. Эргаш гапнинг ҳар бири бош гап билан боғланишда ўзига хос услубга эга. Биз уларни умумлаштирганимизда эргаш гаплар бош гап билан қуйидаги боғловчи сўзлар орқали боғланишининг гувоҳи бўлдик:

1. Эга эргаш гап

1) боғловчилар: daß, ob, als, wenn, als wenn;

2) нисбий олмошлар: was, wer, der, die, das, welcher, welche, welches;

3) нисбий равишлар: warum, wo, wohin.

2. Кесим эргаш гап

1) боғловчилар: daß, ob, als ob, wie, als, wenn;

2) нисбий олмошлар: der, die, das, wer, was, wofür.

3. Аниқловчи эргаш гап

1) нисбий олмошлар: der, die, das, welcher, welche, welches;

2) эргаштирувчи боғловчилар: daß, ob, als, wenn, da;

3) нисбий равишлар: wo, wie wohin, weshalb, warum.

4. Тўлдирувчи эргаш гап

1) боғловчилар: daß, ob, wie;

2) нисбий олмошлар: wer, was, der, die, das welcher, welche, welches;

3) нисбий равишлар: warum, wo, woher, wohin, wann, wieso, wie viel, weshalb;

4) нисбий олмош-равишлар: woran, womit worüber.

5. Ўрин эргаш гап

Ўрин равишлар: wo, wohin, woher.

6. Пайт эргаш гап

Эргаштирувчи боғловчилар: während, indes, indessen, indem, wobei, solange, seit, sooft, seitdem, nachdem, so bald, kaum

- daß, ehe, bevor, bis, als, wenn, da, wo, wie.
- 7. Равиш эргаш гап** Эргаштирувчи боғловчилар: daß, ohne, daß, (an) statt, daß, indem, wobei, dadurch, daß, damit daß.
- 8. Қиёс эргаш гап** Эргаштирувчи боғловчилар: wie, als, als ob, als wenn, wie wenn, je ... desto, je ... nachdem, je ... umso.
- 9. Натижа эргаш гап** Эргаштирувчи боғловчилар: daß, so daß, als daß, ohne daß.
- 10. Сабаб эргаш гап** Эргаштирувчи боғловчилар: weil, da.
- 11. Мақсад эргаш гап** Эргаштирувчи боғловчилар: damit, daß, auf daß
- 12. Шарт эргаш гап** Эргаштирувчи боғловчилар: wenn, falls.
- 13. Тўсиқсиз эргаш гап** 1)Эргаштирувчи боғловчилар: obwohl, obgleich, ob, obschon, obzwar, ob auch, wenn gleich, wenn, schon, wenn auch, auch wenn, trotzdem;
2) нисбий олмош ва равишлар: was, wer, wie, wo, wohin, da, so, welcher, was für ein.
- 14. Микдор-даража эргаш гап**Эргаштирувчи боғловчилар: insofern, sofern, wo fern, inwiefern, wie fern, soweit, inwieweit, wieweit, in soviel, soviel, nur daß.

Ҳозирги замон немис тилида эргаш гапни бош гапга боғловчи сўзлар турли-тумандир. Улар соф боғловчилар, боғловчи вазифасини ўтовчи равиш ва олмошлардир. Бу сўзларнинг айримлари бир қатор эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Улар жумласига daß, wenn, wie, ob, wo, als кабиларни киритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев А. Кўчирма гапли конструкция компонентларининг ўзаро муносабати. Т., 1982.
2. Абдусаматов Р. Кўшма гапларда мазмун ва шакл номувофиқлиги. – Ўзбек тили ва адабиёти. 2003, 1-сон, 23-26 с.
3. Адмони Г.И. Синтаксис современного немецкого языка. М. – Л., 1973.
4. Бозоров О. Кўшма гапларнинг коммуникатив тузилиши хусусида. – Тил ва адабиёт таълими. Т., 2003, 5-сон. 30-33 бетлар.
5. Гулыга Е.В., Натанзон М.Д. Теория современного немецкого языка. М., 1961.
6. Гулыга Е.В. Сложноподчиненное предложение (на материале немецкого языка). АДД., М., 1962.
7. Гурова Н.В. Вопрос и вопросительное предложение. – Актуальное проблемы коммуникации и культуры. Пятигорск, 2004. С. 49-54.
8. Наер Н.М. Стилистика немецкого языка. М., 2006, 326 с.
9. Лозинская Е.А. Сложноподчиненное предложение с вопросительным предложением второго порядка в современном немецком языке. АКД, Калинин, 1983.
10. Зиндер Л.Р., Строева Т.В. Современный немецкий язык. М., 1957, 309 с.
11. Зенченко М.А. Сопоставительный структурно- семантический анализ бессоюзных сложных предложений в русском и немецком языках. Екатеринбург, 2007.
12. Трегубенков Г.Г. Интонация сложноподчиненного предложения с придаточным дополнительным. – Уч. Записки 1 МГПИИЯ. Т. XX, 2006, с. 275-285.
13. Мирсоатов Т.З. Немис тили грамматикаси. Морфология. Тошкент, 1974.
14. Мирсоатов Т.З. Немис тили грамматикаси. Синтаксис. Тошкент, 1980, 190 б.

15. Федоров А.К. Семантико-структурная классификация сложноподчиненных предложений. – Русский язык в школе. 2002, № 5, с. 72-76.
16. Ҳақимов И.А. Особенности обучения грамматическому строю немецкого и узбекского языков. Ташкент, 1976, 110 с.
17. Шведова А.Ю. Грамматика современного русского литературного языка. М., 1980, 660 с.
18. Шендельс Е.И. Грамматика немецкого языка. М., 1959.
19. Шульскис С.А. Сохраняется ли сложное предложение при устной форме его порождения. – Филологические науки. № 4, 2005.
20. Жилин И.М. Дополнительные придаточные предложения и их синонимы в современном немецком языке. – Труды Краснодарского пед. ин-та, 1998.
21. Эйхбаум Г.Н. Подчинительные союзы в современном немецком языке. – Иностранные языки в школе. 1972, № 6.
22. Arsenjewa M.G. und andere Grammatik der deutschen Sprache. М., 1957.
23. Glinz H. Die innere Form des Deutschen. Bern und München, 1965.
24. Der Große Duden. Grammatik der deutschen Sprache. Leipzig; 1962,
25. Erben J. Abriß der deutschen Grammatik. Berlin, 2008. S. 384.
26. Kauffmann G. Das konjunktivische Bedingungsgefüge im heutigen Deutsch. Tübingen, 2003, S. 86.
27. Kern F. Die deutsche Satzlehre, Berlin, 1988.
28. Moskalskaja O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. М., 1971.
29. Hartung W. Die zusammengesetzten Sätze des Deutschen. Berlin, 1964.
30. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. Leipzig, 1966.

Internetquellen

31. <http://zif.spz.tu-darmstadt.de/jg-15-2/beitrag/Roettger.pdf>
32. <http://interkultureller.ansatz.de>